5 МАР 1990

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 54 (20. 621) • 1990 йил 4 март, якшанба • Баҳоси 3 тийин.

XII БЕШ ЙИЛЛИК

• Кўклам—меҳнат билан кўркам

• *Экиш техникаси мавсумга шайми?*

• Ўзаро шартнома асосида

• *Қўшимча имкониятлар ишга солинянти*

ШИТОБ БИЛАН

● Эллиққалъа районидаги «Москва» совхозининг ем-хашак етиштириш билан шуғулланадиган ижарачи бригадаси механизаторлари Мақсуд Юсупов ва Қўчқор Аметов уч кун ичида шитоб билан 20 гектар майдонга беда уруғи сепишди.

— Қанча илгари ҳаракат қилсак, шунча кўп ҳосил оламиз, — дейди бригада бошлиғи Саъдулла Раҳмонов ишонч билан. — Бизнинг коллектив совхоз раҳбарияти билан эндиликда фақат ўзаро шартнома асосида иш олиб боради. Шартномага мувофиқ йил охирига қадар совхоз озуқа омборига 450 тонна беда пичани топшириш мажбуриятини олганмиз. Бригадага ажратилган 150 гектар майдонда етиштирилган ҳосилнинг «ортиқчаси» коллективимиз аъзоларининг ўз мулкига айланади. Чунки ҳар бир ижарачининг молхонасида бугунги кунда икки-учта бузоқ, қўй-қўзилар бор. Аввал пахта етиштирилган далаларга бедани барвақт экиб, ҳосилдорликни гектар бошига камида 45 центнерга етказиш ниятидамиз.

ОМИЛКОРЛИК

● Хўжаоббддаги ремонт ишлаб чиқариш корхонаси устахоналарида умуман ишдан чиққан деб ҳисобланган Т—28х4 маркали чопиқ тракторларини ремонт қилиш йўлга қўйилди. Хўжаликлар бундай машиналарнинг янгиларини олишганидан кейин топширадилар. Ремонт қилинган тракторлар эса, ижарачи ва кооператорларга олса бўладиган нархларда сотилмоқда. Улар учун бундай техника зарур.

Устахоналарда тузилган комиссия эски тракторларни қабул қилиб олиш вақтида уларнинг техникавий ҳолатини, ремонт қилиш имкониятини, қийматини белгилайди.

Ўтган йили бу ерда темир уюмига айланган 40 та тракторга «жон ато этишди» деса бўлади. Шундан 12 таси ижарачиларга 1000 сўмдан 1730 сўмгача нархда сотилди. Қолганларини эса шу нарх билан кооператорлар олишди.

Бу йил эса янги ташаббус пайдо бўлди. Эндиликда устахоналарда трактор билан бирга ишлатиладиган механизмлар ҳам тикланмоқда.

— Техникани ремонт қилиш ва унинг техник қарови бизнинг асосий ишимиздир,—деди Хўжаобод район агросаноат техникаси идорасининг раиси Мўминжон Мамасолиев. — Лекин коллективимиз машиналарни рўйхатдан ўчириб юборавериш га қарши чиқди. Ахир тикланганидан кейин бу машиналарни ҳали яна ишлатса бўлади-ку. Ҳозир ижарачилар ва кооператорлар шундай техникага маҳтал бўлиб туришибди: бу техника арзон ва ҳали ишлатса бўлади. Қўлида эски техника бўлган хўжаликларнинг раҳбарлари бошимни қотириб ўтираманми, деган қабилда иш тутиб, эринчоқлик қилмоқдалар. Ишни омилкорлик билан юритишга ўрганишмаган. Ахир бу икки томонга ҳам фойдалику. Биз эски машина ўрнига янги техника ва эҳтиёт қисмлар беришга тайёрмиз.

(ЎзТАГ).

ТАРАДДУД

Мана, ўлкамизга яна баҳор келди. Бу деҳқонларни ўз-ўзидан шоширмоқда. Ҳали мавсумга ҳозирлик кўришга улгурмаган деҳқонлар чала қолган ишларини ниҳоясига етказмоқдалар. Ариқ-зовурларни тозалаш юмушлари давом эттирилмоқда. Айниқса деҳқон қаноти ҳисобланган техника ремонти қизғин.

Шофиркон районидаги «Шофиркон» колхози механизаторлари эса қиш фаслидаёқ бутун техникани кўкламга ҳозирлаб қўйишганди. Шунинг учун ҳам улар Наврўзи оламни, яъни экиш бошланадиган кунни сабрсизлик билан кутмоқдалар. Хўжаликда 18 та тирма, 19 та чигит экадиган сеялка, 300 комплект борона сифатли ремонтдан чиқарилди. Бу борада ўз касбига меҳр қўйган созловчилардан Шароф Қодиров, Қаюм Халилов, Муҳиддин Қодиров, Ойбек Бурхоновлар бошқаларга ибрат кўрсатишди. Улар қар куни ўз нормаларини бир ярим-икки баравар ошириб уддалашди. Юқорида жамоатчи суратқаш К. КАРИМОВ тасвирга туширган ана шу меҳнат илғорларини кўриб турибсиз.

МУСТАҲКАМ ЖАМОАТ ТАРТИБИ УЧУН

2 март куни ўтказилган илмий-амалий конференцияда жамоат тартибини ва гражданларнинг хавфсизлигини муҳофаза этиш тўғрисидаги қонунларни қўлланиш юзасидан ҳуқуқни муҳофаза этиш органларининг вазифалари муҳокама қилинди. Ўзбекистон Юристлар уюшмаси ва республика Олий суди ташкил этган бу анжуманда ички ишлар органлари, прокуратура ходимлари, судьялар, адвокатлар, олимлар иштирок этишди.

Жамоат тартиби ва гражданларнинг хавфсизлигига таҳдид солувчи варақалар ва бошқа материалларни тайёрлаганлик ва тарқатганлик учун, миш-мишлар ва уйдирмаларни тарқатганлик учун жавобгарликни белгилаб қўйиш, шунингдек ижозат берилмаган йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари, намойишлар ва пикетларни ташкил этиш ва ўтказиш учун шароит яратганликлари учун мансабдор шахсларнинг масъулиятини белгилаб қўйиш тўғрисидаги сўнгги ойда қабул қилинган қонун актларини конференция аҳли яқдиллик билан маъқуллади. Аммо шу ва бошқа қонунлар ҳамма жойда ҳам бир хилда бажарилаётгани йўқ. Шу муносабат билан конференцияда мустаҳкам жамоат тартибини таъминлашга қаратилган қонунларни қўлланишнинг самарасини ошириш юзасидан аниқ тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари фаолиятини мувофиқлаштириб туришни яхшилаш, давлат ва жамоат ташкилотлари, муассасалар ва корхоналар ёнида пикетда туриш ҳолларига ўз вақтида жавоб беришнинг шакл ва усулларини такомиллаштириш, ижозат берилмаган йиғилишлар ўтказилишига уринишни пайини қирқишнинг, ҳуқуқбузарларни ушлашда милиция ходимлари фаоллигини ошириш ва уларнинг айбини очиб ташлайдиган ишончли далилларни судга тақдим этиш масалаларига алоҳида эътибор берилди. Фотосуратлар, видеоёзувлар ва фоноёзувлардан намойишлар, митинглар ва кўча юришлари қатнашчиларининг нечоғли айбдор эканлигини аниқлашда фойдаланиш имконияти борлиги айтилди. Ижозат берилмаган йиғилишлар ташкилотчилари ва фаол қатнашчиларининг хатти-ҳаракатлари жиноий тусда бўлганлиги таъкидлаб ўтилган, аммо дастлабки тергов органлари ва судьялар жиноий иш қўзғатмаганлар. Бу айниқса, жамоат тартибини қўриқлаш юзасидан ўз бурчларини адо этаётган милиция органлари ходимлари, кўнгилли халқ дружиначилари ва ҳарбий хизматчиларни ҳақорат қилиш, уларга қаршилик кўрсатиш ва бу хизматчиларнинг саломатлигига тажовуз этиш ҳоллари кўпайиб бораётганига тааллуқлидир. Конференция қатнашчилари республикамизда мустаҳкам жамоат тартиби ўрнатишлари лозим бўлган ҳуқуқни муҳофаза этиш органларига бир қанча таклифлар тавсия этдилар ва ўз истакларини айтдилар.

ҚАРДОШЛАР ДАСТУРХОНИГА

● 55 мингга яқин шахсий томорқа хўжаликларининг эгалари ўзлари етиштирган маҳсулотни Сурхондарё матлубот кооперациясига сотадилар. Кооператорлар бу йил тузилган шартномаларга мувофиқ қарийб 75 минг тонна сабзавот, картошка, мева, полиз маҳсулотларининг анча қисмини оладилар.

Аҳолидан сотиб олинган маҳсулот область савдо ташкилотларига, шунингдек мамлакатимизнинг бошқа регионларига юборилади. Ҳозирдаёқ кўп истеъмолчилар билан шартномалар тузилди. Чунончи, апрель ойи ўрталарида Москва, Ленинград, Сибирь ва Узоқ Шарқ шаҳарларига эртаги карам ортиб жўнатиш режалаштирилмоқда. Эртаги карам кўчати ҳозирнинг ўзидаёқ асосан экиб бўлинди.

(ЎзТАГ).

КПСС Марказий Комитети Ҳаракат дастури лойиҳасини ўқиб

ҲАМКОРЛИК ВА ЯҚДИЛЛИК БИЛАН

Қирқ беш йилдан буён партиядаман. Ана шу аъзолигим мобайнида партиямизнинг жуда кўп юқори даражадаги йиғинларини эътибор билан кузатганман. Кейинги пайтда масала ва муаммоларга очиқ-ошкора муносабат билдириш қарор топяпти. Февраль Пленумида ҳам шундай бўлди. Навбатдаги съездга Ҳаракат дастури лойиҳаси ва шу муносабат билан Бош секретаримиз маърузаси ҳақида турли хил фикрлар айтилди. Мамлакатни оғир аҳволдан олиб чиқиш учун нима қилиш кераклиги, партиянинг раҳбарлик роли, фаолияти давомида бошқа сиёсий кучларга муносабат каби масалалар кўпчилик эътиборидан ўтказилди.

Аввало, мен партиямиз фаолиятида ана шу кўпчилик иродаси асосида иш тутишга интилишни ниҳоятда маъқуллайман. Бугунги кунда партиянинг обрў-эътиборини тиклаш ҳақида гап борар экан, у ҳозирги шароитда сиёсий ишларни олиб бориш санъатини чуқур эгаллаши, барча қайта қуриш кучлари билан муваффақиятли ҳамкорлик қилиши, омма орасида фаол бўлиши керак.

Ҳозир партия, Советлар мамлакатимиз миқёсида жипслаштирувчи катта сиёсий куч эканлиги ҳаммамизга маълум. У халқларимиз маъқуллаб кутиб олган жуда кўп ишларнинг ташаббускори ва раҳномасидир. Қайта қуриш ғоясини ким кўтариб чиқди? Партия. Жамиятни янгилаш, социализм имкониятларини руёбга чиқариш учун кенг йўл очиб берилаётгани ҳам унинг номи билан боғлиқ. Жумҳуриятимизда ҳам аёлларнинг аҳволи, айниқса, кўп болали оналарнинг аҳволини, болаликни ҳимоя қилиш, пенсионерларни, ногиронларнинг ижтимоий таъминотини яхшилаш каби қатор хайрли ишларга республика Компартияси бошқош бўляпти-ку. Демоқчиманки, ҳар бир коммунист ана шу сайи-ҳаракатлар тегишли самара бериши учун курашиши керак. Ҳар биримизнинг обрўимиздан партиянинг обрў-эътибори қарор топар экан, бу йўналишдаги ҳаракатда ҳар бир коммунист ўзини намоён қилиши, сўз ва иш бирлигини таъминлаши лозимлигини унутмайлик.

Р. ЕҚУБЖОНОВ,
уруш ва меҳнат ветерани, 1945 йилдан партия аъзоси.
Калинин райони.

ТОМЧИЛАР ДАРЁГА АЙЛАНАР

КПССнинг партиямиз XXVIII съездига Ҳаракат дастуридаги биз — ветеранларга ғамхўрлик билан суғорилган сатрларни ўқиб, кўнглимиз кўтарилди. Унда шундай фикрлар илгари сурилган: ветеранларга янада яхши тиббий ёрдам кўрсатиш, улар эҳтиёжи учун зарур бўлган товарларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши таъминланади. Пенсияларни ҳам, иш ҳақини ҳам тўлиқ олишга имконият яратилади.

Кўриниб турибдики, Ҳаракат дастурининг бизга тааллуқли қисми ҳажман қисқа, баландпарвоз гаплардан холи. Айни чоғда унда инсон эҳтиёжлари учун зарур бўлган вазифалар ўз ифодасини топган.

Мен 80 ёшга тўлдим. Уруш азобларини тотганман. Пенсияга қадар кўп йиллар оддий машина ҳайдовчиси бўлиб ишлаганман. Ўтган умрим мобайнида бир нарсага амин бўлдим: ҳақиқат, бирдамлик, дўстлик доимо ғолиб чиқади. Партиямиз ҳақиқатни баралла айта бошлади, бирдамлик, дўстликни ҳар томонлама ривожлантириш йўлларини кўрсатяпти. Ҳамма гап уларни амалга оширишда. Бу ҳар биримизнинг Ҳаракат дастури бажарилишига қўшадиган ҳиссамизга боғлиқ бўлади. Шахсан ўзим урушда қатнашган қуролдошларимнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида мамлакатимизнинг турли жойларидан 5 мингга яқин ҳужжат тўпладим. Ўз уйимда музей ташкил қилиб ёшларга урушнинг даҳшати, тинчликнинг қадри, дўстликнинг қудрати ҳақида ҳикоя қилиб беришга ҳаракат қиляпман. Турли хил учрашувларда бажонидил қатнашаман. Маҳалланинг, шаҳримизнинг ҳаёти билан боғлиқ ишларга ўз улушимни қўшаман.

Мамлакатимизда рўй бераётган инқилобий жараён миқёси билан таққослаганда менинг ушбу ҳиссам заррача ҳам кўринмайди. Лекин зарралардан тоғлар, томчилардан дарёлар ҳосил бўлишини унутмаслигимиз лозим.

Ж. ЭГАМОВ,
Хива районидаги Фрунзе номли колхоз.

● ЛУҚМА

ҚАЧОН МУНОСАБАТ БИЛДИРАСИЗ?

— Ҳаракат дастури лойиҳасини ўқидингизми?

— Ҳа, — деб жавоб беради Қувасойдаги «Мўян» совхози комсомол комитетининг секретари, коммунист С. Акбаров. — Ҳаракат дастуридаги асосий фикрларга тўлиқ қўшиламан. Аммо миллатлараро муносабатлар, федерация масалаларига оид бўлимни янада пишиқ-пухта, аниқ фикрлар билан тўлдириш керак.

Ёш коммунист бу борадаги ўз мулоҳазалари ҳақида ҳаяжонланиб сўзлай кетди.

— Ўз таклифларингизни партиядош ўртоқларингиз эътиборига етказдингизми?

С. Акбаров ўйланиб қолди. Чунки у ҳисобда турган совхоз бошқарув аппарати цех партия ташкилотида КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳаси муҳокамаси ҳали ўтказилмаган эди.

Қувасой цемент комбинатида ҳам аҳвол худди шундай. Бу ердаги мавжуд 18 та бошланғич ва цех партия ташкилотлари, 16 та партия группасининг бирортасида ҳам Ҳаракат дастури муҳокамасига оид суҳбатлар ўтказилмаган. Қувасой шаҳар партия комитетидан эса бирон-бир жойда бу лойиҳа муҳокамаси ўтганлиги ҳақида маълумот ололмадик.

— Бошланғич партия ташкилотларига телеграмма юборганмиз, — деб ўзларини оқлашди шаҳаркомда. — Улар тез орада муҳокамани бошлаб юборишади.

Лекин факт шуки, шаҳар коммунистлари лойиҳа хусусида на ижобий ва на салбий фикр-мулоҳаза билдирмаяптилар. Биргина Қувасой шаҳрида эмас, балки областдаги бошқа кўпгина партия ташкилотларида ҳам лойиҳа муҳокамасини бошлашга шошилишмаяпти. Масалан, яқин кунларгача область партия комитетига область коммунистларининг лойиҳа хусусида фикр-мулоҳаза ва таклифлари етиб келмаган. Тегишли матбуот органларида ҳам бу соҳага эътибор етарли эмас. Район, область газеталари саҳифаларида Ҳаракат дастури юзасидан чиқишлар бармоқ билан санарли. Бошланғич партия ташкилотларида эса сайловолди кампанияси билан овора бўлиб қолдик, муҳокамани бироз ортга суриш керак, дейишмоқда. Аммо бу ўринлимикин?

Мамлакатда Ҳаракат дастури юзасидан суҳбатлар, йиғилишлар бўляпти. Партия ташкилотларида лойиҳа муҳокамаси қизғин баҳс-мунозаралар остида ўтаётир. Партия ҳаётида ўта мураккаб ва тезкор жараёнлар кутилмоқда. Ҳар бир коммунист, ҳар бир партия ташкилотининг шу кундаги нуқтаи-назари умумпартия тақдирига таъсир кўрсатиши мумкин. Шу боис Фарғона областидаги кўпгина бошланғич партия ташкилотларида бу муҳим кампанияни турли баҳона-сабаблар билан ортга суришаётгани таажжубланарли. Ёки яна ўша илгариги йиллардан «мерос» қолган юқоридан кўрсатма кутиш одатимиз, кўникмамиздан қутула олмаяпмизми? Ахир, ҳар бир коммунист айни шу кунларда ўзининг салмоқли, дадил фикрини айтиши керак эмасми?

А. ИБОДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

СССР Олий Советининг учинчи сессиясида

ФИКРЛАР МУШТАРАКЛИГИГА ЭРИШАЙЛИК

СССР Олий Совети Миллатлар Советининг миллий сиёсат ва миллатлараро муносабатлар комиссиясининг бўлиб ўтган мажлисида СССР халқ депутатлари СССР Президенти лавозимини таъсис этиш ҳамда СССР Конституциясига тегишли ўзгартиришларга ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги СССР Қонуни лойиҳасини муфассал муҳокама қилдилар.

Мазкур Қонуннинг федерация турмушидаги роли муҳокамаси теварагида бирмунча қизғин баҳс авж олиб кетди. Президент республикалар ва бошқа миллий-давлат тузилмаларининг шусиз ҳам тор ҳуқуқларини чеклаб қўймасмикан? Президент ҳузурида федерация кенгашини тузиш, мазкур кенгаш ишида республикаларнинг олий мансабли кишиларининг роли тўғрисида баҳс бормоқда. Комиссия аъзолари Қонун лойиҳасида Президент билан СССР Олий Совети ўртасидаги ўзаро муносабатлар етарлича тўлиқ таърифлаб берилмаган, деган хулосага келдилар.

— СССР Президенти лавозимини ташкил этишдан мақсад — ҳокимиятнинг қонунчиослик ва ижрочилик структурасини бирлаштиришдан иборатдир, — деб ҳисоблайди комиссия раиси Г. С. Таразевич. — Турмуш ҳар доим улар фикрларининг муштараклигига эришавермаслигини кўрсатиб турибди. Реал, қатъий ҳокимият етишмаётганлиги кунданкунга янада кўпроқ сезилиб бормоқда. Бизнинг ижрочи органларимиз ишончсизлик билан иш кўриб, бир қанча вазиятлар туфайли СССР қонунларини амалга оширишга қурбилари етмаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Ана шу масалаларни аниқ бир шахс — СССР Президенти ўз назоратига олиши керак.

Комиссия аъзолари мажлисда иттифоқдош республикаларнинг СССРдан чиқиши билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш тартиби тўғрисидаги СССР Қонуни лойиҳасини ҳам муҳокама қилдилар.

В. ЗЕНЬКОВИЧ,
ТАССнинг парламентдаги мухбири.

• Бугун—такрор овоз бериш куни

ДЕМОКРАТИЯ ЙЎЛИДА

Жумҳуриятимизда бўлиб ўтган сайловлар шу кеча-кундуздаги энг муҳим сиёсий воқеалардан бўлиб қолди. Овоз бериш натижалари эълон қилиниши билан кимнидир қувонтириб, кимнидир ҳаяжонга соладиган хабарлар тилдан-тилга кўча бошлади. Меҳнаткашлар давлат ҳокимиятини бошқаришга мутасадди этилган маҳаллий Советлар ҳамда 369 нафар жумҳурият халқ депутатларини такрор-такрор нигоҳдан ўтказдилар.

Сайлов бизга демократия ҳукмронлиги даври бошланаётганлигини кўрсатди. Сайловчилар ўз эрк-истакларини билдирар эканлар, давлат ҳокимиятининг олий органига кимни сайлаш билан астойдил қизиққанликларини билдирдилар. Чамаси шунинг ўзи ушбу сайлов кампаниясининг энг муҳим натижасидир.

Депутатлар рўйхатига назар ташланг. Ишонч билдирилган кишилар орасида ўнлаб миллатларнинг муносиб фарзандлари бор. Улар асосан сидқидилдан қилаётган меҳнатлари, актив жамоатчилик фаолиятлари туфайли обрў-эътибор топган кишилардир. Бу номзодларнинг аксарияти ҳалол ва холис беллашувлар натижасида депутатлик мандатига муносиб деб топилдилар.

Аммо, кафолат олишдан умид қилган, лекин кечаги кун тушунчаси билан фикрлаётган номзодларнинг анчагинаси керагича овоз ололмади. Улар орасида номдор олимлар ҳам, партия, совет ходимлари ҳам бор. Маълумотлар якка-ёлғиз қўйилган номзодлар орасида ҳам ишонч қозона олмаганлар бўлганлигини кўрсатди. Аксинча, яқин-яқинда ҳам номуносиб деб ҳисоблаб келинганларнинг айримлари негадир сайловчилар томонидан қўллаб-қувватланди.

Овоз бериш жараёнида айрим районлар ва сайлов округларидан сайловчиларнинг 85-95 ва ундан кўп фоизи қатнашдилар.

Аксарият округларда сайловлар якунланди. Аммо Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайлови бўйича 94 та, шунингдек область, район, шаҳар, шаҳарлардаги район Советларига, поселка ҳамда қишлоқ Советларига сайлов ўтказувчи 600 дан ортиқ округда номзодлардан бирортаси керагича овоз ололмади. Бугун ана шу округларда такрорий овоз бериш бўлиб ўтади.

Такрорий овоз беришга қўйилган номзодлар орасида ҳам одатдагидек партиявий қатлам юқорилигича қолмоқда. Номзодларнинг кўпчилиги коммунистлардир. Уларнинг аксарияти ўз коллективида ташкилотчилик қобилияти, ишчанлик фазилати билан тилга тушган кишилар. Номзодларнинг ҳаракат дастурларида миллатлараро муносабатларни яхшилаш, жиноятчиликка қарши курашни кучайтиришдан тортиб экологик вазиятни яхшилашгача бўлган хилма-хил, кенг кўламли масалалар қамраб олинган.

Республика Компартиясининг сайловолди Ҳаракат дастурида бу сайловларнинг ниҳоятда масъулиятли сиёсий кампания эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Унинг натижалари ҳуқуқий давлатни ташкил этиш йўлидаги муҳим қадам бўлиб қолади. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, бугун овоз бериш варақасини қўлига тутган ҳар бир киши сайлов қутиси томон борар экан, демократия ва ошкораликни кучайтириш сингари амалга оширилаётган кўламли ишларга, турмушимизнинг ҳамма соҳаларида яхшилиқ сари тезроқ ўзгаришлар қилиш кераклиги масалаларига ҳам ўз муносабатини билдирган бўлади.

БУГУНГИ СОНДА:

● 2-бет:
КПСС XXVIII съезди олдидан:
Коммунист нуқтаи назари

● 3-бет:
Қуруқ гапдан амалий ишга ўтиш пайти келмадимикан?

● 4-бет:
Халқ табобати сарчашмаларида

КПСС Марказий Комитети Пленуми материаллари

«КПСС Марказий Комитети Пленумининг материаллари, 1990 йил 5-7 февраль» тўпламе босмадан чиқди. Тўпламга М. С. Горбачевнинг КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳаси тўғрисидаги доклади, унинг Литва Компартияси XX съездининг қарорлари муносабати билан сўзлаган нутқи, муҳокама қилинган масалалар юзасидан музокараларда сўзланган нутқлар, КПСС Марказий Комитетининг бўлажак съездга Пленум маъқуллаган Ҳаракат дастури лойиҳаси, тегишли қарорлар, бошқа материаллар киритилган.

Китобни Сиёсий адабиёт нашриёти «Красний пролетарий» босмахонасида нашрдан чиқарди.

(ТАСС).

КПСС XXVIII съезди олдидан: коммунист нуқтаи назари

ХАЛҚ — ЭНГ ЯХШИ МАСЛАҲАТЧИ

Суҳбатдошимиз Пўлат Қаюмов ўз меҳнат фаолиятида оддий ишчи—редакция босмахонасида ҳарф терувчиликдан то министр лавозимигача бўлган катта ва ибратли йўлни босиб ўтган. Узоқ йиллар Фарғона водийсида райком, шаҳарком секретари, биринчи секретарь, область ижроия комитети раиси ўринбосари ва раиси каби масъулиятли вазифаларда ишлаган, 14 йил республика Ҳунар-техника таълими давлат комитети раиси бўлган. 1944 йилдан партия аъзоси, 1961 йилдан буён Узбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси. Ҳозир Пўлат Қаюмович пенсияда.

70 ёшдан ошган ветеран коммунист биз билан дилдан гурунглашиш учун вақтини аямади.

— Пўлат Қаюмович, Сиз кўп йиллардан бери республика Компартияси Марказий Комитети аъзосисиз. Партиянинг мухтор вакили вазифасини бажариш қийинми?

— Масъулиятни ҳис қиладиган одам учун қийин, албатта. Марказий Комитетнинг 1984 йилги машҳур XVI пленумида мен ҳам сўз олиб, болалар, мактаб ўқувчиларининг қишлоқ хўжалик ишларида қаттиқ ишлатилаётганига кескин қарши чиқандим ва бундай яроқсиз практикадан воз кечишга аллақачон вақт етганлигини таъкидлагандим. Бироқ бундан ҳеч қандай натижа чиқмади ва яқин вақтларга қадар ҳам мактаб ўқувчиларини ўқишдан қолдириб, улар меҳнатидан фойдаланиб келдик. Одамлар эса шу каби масалалар учун жавобгарликни биз — Марказий Комитет аъзоларининг зиммасига қўйишар, нима қиляпсизлар ўзи, деб сўрашарди. Ҳолбуки, шундан кейинги пленумларда ҳам, айтайлик, ўзимизда маҳаллий кадрлар бўла туриб, «бизда ҳалол, ишбилармон кадрлар қолмади, марказдан мутахассис ва раҳбар кадрлар юборинг», деб айтилганида ҳам, кўпгина миллий урф-одатларимиз, анъаналаримизни, ҳатто тарихий обидаларимизни йўқотишга уринилганида ҳам, динга қарши асоссиз хуруж қилинганида ҳам ҳеч қачон биз билан маслаҳатлашишган эмас.

Қайта қуриш бошланганидан кейинги йилларда ҳам биз ҳали шу каби қусурлардан тўла халос бўла олганимиз йўқ. Мен Марказий Комитет пленумларида кўриладиган масалалар анча олдин, Марказий Комитетнинг ҳар бир аъзосига хабар қилинишини, улар пленумга пухта тайёргарлик билан бориб, муҳокамада фаол иштирок этиш имкониятига эга бўлишларини истардим. Сўзга чиқувчиларни олдиндан рўйхат тузиб, хабар қилиш, қоғоз билан чиқиб нутқларни ўқиб бериш ҳолларига ҳали ҳам тўла барҳам берилган эмас. Юрагида одамларга айтар дарди бор кишига гапини қоғозга қайд этишнинг ҳожати йўқ. Ҳар бир пленумда очиқ-ошкора, принципиал, чинакам партиявий гурунг бўлмоғи лозим. КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган февраль Пленуми каби энди республика Компартиясининг пленумларини ҳам тўла ошкоралик шароитида ўтказишга, улар ҳақидаги стенографик ҳисоботларни матбуотда эълон қилиб боришга ҳам вақт етди, деб ўйлайман. Бу пленумларда кўрилаётган масалалар муҳокамаси ва мунозараси ҳақида республикамиздаги ҳар бир коммунистда, қолаверса, бутун халқимизда тўла тасаввур ҳосил қилади ва шунга яраша хулосалар чиқариш имконини беради.

— Қайта қуришимизда қандай камчиликларни кўряпсиз?

— Демократия ва ошкоралик билан баробар, ҳатто ундан ҳам олдинроқ жамиятимиздаги иқтисодий жараёнларни чуқур, обдон таҳлил этиб, биринчи навбатда туб иқтисодий чора-тадбирлар кўрилганида, назаримда, самара тезроқ кўринган бўларди. Негаки, биз турғунлик даврида хўжаликни оқилона юритиш ва бошқаришни, ҳисоб-китобни, умуман, иқтисодиётни унутиб қўйган эканмиз.

Ошкоралик ва демократияга аввало барча даражадаги партия, совет, бошқарув органлари раҳбарлари ва ходимларининг кўпчилик қисми, қолаверса, омманинг ҳам аччанг қисми аҳвол-руҳиявий жиҳатдан тайёр эмаслиги билиниб қолди.

Қайта қуриш бошида кўрган айрим чора-тадбирларимиз ҳозирга келиб чуқур ўйланмай тузилгани маълум бўлиб қоляпти. Масалан, Иттифоқ миқёсида ҳам, республикамизда ҳам бошқарув аппаратини қисқартириш мақсадида амалга оширилган турли министрлик ва идораларни қўшиб юбориш практикаси ўзини оқламади. Натижада кўпгина министрликлар, идоралар қайта тикланди. Чунончи, илгариги Ҳунар-техника таълими давлат комитети, Маориф ва Олий таълим министрликлари асосида ташкил этилган ва ҳеч қандай самара бермаган Халқ таълими министрлиги ҳозир иккита министрликка бўлинди. Аслини олганда, Ўзбекистон Компартиясининг сайловолди ҳаракат дастурида алоҳида таъкидланган маҳаллий миллат вакилларидан ишчилар синфи кадрлари, инженер-техник ходимлар тайёрлашдек катта мақсадни кўзлайдиган бўлсак, унда Ҳунар-техника таълими давлат комитетини ҳам менимча, тиклаганимиз маъқул эди. Чунки айнан ҳунар-техника таълими кейинчалик энг юқори малакали, ишбилармон, билимдон мутахассислар тайёрлашда замин бўлади.

Табиб табиб эмас, бошидан ўтган табиб, деганларидек, мен 1962—1964 йилларда Фарғона ва Андижон областлари ижроия комитетларида раис бўлиб ишлаган чоғимда водийда жойлашган барча областларни бирлаштириш практикаси самара бермаганлигини бошдан кечирган эдик. Бироқ 1986 йилда Фарғонада водий областлари бўйича партия-хўжалик фаоллари йиғилиши бўлиб, ана шу областларни яна бирлаштириш ҳақида гап бўлганида, халқнинг қарийб бир йил мобайнида қўли ишга бормади. Яхши ҳамки водий областлари қўшилмай қолди, бироқ бошқа бир қанча область, шаҳар ва районлар қўшиб юборилди. Мана энди бу иш ўзини оқламай, яна илгариги тузилишларга қайтаяпмиз. Мен Марказком аъзоси сифатида ўша вақтда бу хилдаги қўшилишлар ва қисқартиришлар борасидаги қатъий фикримни шахсан айтган, бу ишлар самара бермаслигини таъкидлаган эдим. Бироқ таклифларим эътиборсиз қолди. Ана шу мисолнинг ўзи ҳам партия ва ҳукумат раҳбарияти, қуйидан юқоригача бўлган барча раҳбарлар жойларда ҳар бир муҳим масалани кўпчилик бўлиб, коллегиаллик билан, аввало халқнинг фикрини ҳисобга олиб ҳал қилишлари кераклигини яққол кўрсатиб турибди.

Кейинги вақтда республика Компартияси, унинг Марказий Комитети халқ билан маслаҳатлашиш йўлини тутганлиги биз — ветеран коммунистларни ҳам қувонтиради. Айниқса, Ўзбекистон Компартиясининг сайловолди Ҳаракат дастури халқимизнинг дарди, фикр-ўйлари, истиқболини ҳисобга олиб, коллектив бўлиб ишлаб чиқилган ва узоқ муддатга мўлжалланган жуда муҳим партиявий ҳужжатдир. «Республика территориясидаги ишлаб чиқариш, фан-техника потенциали, ер, ер ости, сув ва бошқа табиий бойликлар Ўзбекистон ССРнинг мулкидир. У мазкур бойликларни аввало ўз халқининг... манфаатлари йўлида мустақил равишда тасарруф этади», — деган сатрларни ёки бўлмаса: «Халқ билан бирга яшаш, ҳамма қийинчиликларни халқ билан бирга бартараф этиш, турмушни биргаликда янги изга солиш, ҳамма муаммоларни биргаликда ҳал қилиш, жамиятимизнинг ҳозири ва келажагини биргаликда қуриш — республикадаги 660 минг коммунистнинг бутун республика аҳолиси олдидаги сиёсий ва маънавий мажбуриятидир», деган жумларни таҳлил этиб кўрайлик. Менимча, бу сатрлар дастурнинг мазмун ва моҳиятини ташкил этади. Ҳаракат дастуридаги шу каби ҳар бир сўз, фикр-мулоҳаза, ҳар бир режа қанчалик катта масъулиятни зиммага олиб, ҳар томонлама ўйлаб айтилганлигини сезиш қийин эмас. Энди ҳамма гап ана шу катта режаларни изчиллик билан амалга оширишга боғлиқ.

Республикамиз партия ва ҳукумати пахта учун қўшимча ҳақ берилишига эришгани ва пахтанинг харид нархи оширилиши учун курашаётгани, аҳолига уйжой қуриш, томорқа учун ер берилаётгани, республикамиздаги камбағаллик даражасида яшаётган 45 фоиз аҳолининг, умуман, халқимизнинг турмушини яхшилаш йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бериши шубҳасиздир. Ниҳоят, биз партия халқ учун яшайди ва унинг фаровонлигини оширишга хизмат қилади, деган муқаддас шиорга амал қилишга киришдик, сўз ва иш бирлигига эришишга интиляпмиз.

— Марказий Комитет аъзоси сифатида Андижон область партия комитети пленумларида, бошқа турли йиғилишларда фаол иштирок этиб турасиз. Область партия комитетининг кейинги йиллардаги фаолиятига қандай баҳо берасиз?

— Андижонлик пахтакорлар ўз миришкорликлари, ҳалол меҳнатлари билан республика пахтакорларининг таҳсинига сазовор бўлишган. Область айнан пахтачиликда эришган ютуқлари учун Ўрта Осиё республикалари областлари ўртасида биринчи бўлиб Ленин ордени билан тақдирланган. Аммо кейинги сурункасига тўрт йил давомида область пахта планини бажармаяпти. Бу ҳол деҳқонларимизнинг юзини ерга қаратди. Алам қиладиган жойи шундаки, ўтган йили об-ҳаво ҳам яхши келди, сув ҳам етарли бўлди. Пахтага партия ва ҳукуматимиз томонидан қўшимча ҳақ жорий этилиб, иқтисодий манфаатдорлик кучайди. Ери, суви, шароити биз билан бир хил бўлган қўшни Фарғона, Наманган областлари планларини бажаришди. Бироқ шунга қарамай, биз бу сафар ҳам планни уддалай олмадик. Нега шундай бўлди, деган савол туғилади. Менимча, бу фақат область хўжаликлари, совет ва агросаноат ташкилотларининггина эмас, балки биринчи котиб М. Орипжонов раҳбарлигидаги область партия комитети, унинг бюроси фаолиятида йўл қўйилган жиддий нуқсонларнинг ҳам оқибатидир. Зеро, область партия комитети, айниқса, кейинги йилларда ўз иш услубида сезиларли ўзгариш ясай олмади, ўзининг мафкуравий фаолияти билан халқнинг руҳини кўтара олмади, унинг оммани сафарбар этиш роли пасайиб кетди. Бу аччиқ бўлсада, ҳақиқат.

Ўтган йили июнь ойида «КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил апрель Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIII пленуми қарорлари асосида область партия ташкилоти фаолиятининг сиёсий таҳлили» мавзусида область партия-хўжалик фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтган эди. Кўриб турибсизки, масала жуда муҳим. Биринчи секретарь М. Орипжонов область партия комитети, унинг бюроси, секретарлари ва бўлимлари фаолиятидаги хато ва камчиликлар, улар олдида турган вазифалар ҳақида гапирди. Бироқ йиғилишда сўзга чиққан раҳбарлар — шаҳар ва районлар партия комитетларининг секретарлари, ижрокомларининг раислари эса область партия комитети фаолиятидаги ана шундай камчиликлар ҳақида лом-мим дейишмади. Боз устига (400 дан ортиқ киши қатнашган) залдагилар орасида кўплаб хўжаликларнинг раҳбарлари, халқ хўжалиги турли тармоқларининг ўрта, қуйи бўғин раҳбарлари бўлишига қарамай, улардан биронтаси ҳам сўзга чиқмади. Нечун уларни область партия комитетининг қандай фаолият кўрсатаётгани қизиқтирмади? Ахир, улар бевосита халқ орасида юришади-ку? Наҳотки, уларнинг биронтаси дилида ҳам одамларни тўлқинлантираётган, ташвишга солаётган муаммолар бўлмаса, уларни ҳал этиш ҳақида қайғурмасалар?

Мен ўша йиғилишда шу каби фаоллар йиғилишлари, пленумлар, кенгашлар ўтказишдан олдин махсус комиссиялар тузиб, муҳокама этиладиган ҳар бир масалани жойларда, халқ орасида чуқур ва ҳар томонлама ўрганилиб, кейин тайёрланса яхши бўларди, деган таклифни билдирдим. Лекин ҳозирча бундан натижа чиққани йўқ.

Область партия комитети фаолиятида катта камчиликлардан бири энг муҳим масала ва муаммолар юзасидан илмий жиҳатдан асосланган тадбирлар ҳамон белгилаб олинмаганлигидадир. Бусиз эса ишда жиддий силжишга, муваффақиятга эришиб бўлмайди. Масалан, область партия комитети, унинг бюроси, шаҳсан биринчи секретари М. Орипжонов ўтган йили қандай қилиб бўлмасин пахта планини бажариш мақсадида баҳорда чигит экиш бошланганидан то ҳосил йиғиб-териб олингунига қадар хўжаликларнинг майда-чуйда ишларига ҳам бевосита аралашдилар. Ваҳолонки, буларни деҳқоннинг ўзи ҳам яхши билади. Унга буйруқ, кўрсатма керак эмас. Айтайлик, ернинг структураси бузилганми, пахтанинг нави ёмонми, план юқори белгиланганми? Пахтачиликда ана шуларни илмий жиҳатдан чуқур асослайдиган ва ҳар томонлама пухта ўйланган тадбирлар бўлиши, шунга қараб иш олиб борилиши лозим.

Область партия комитети, унинг бюроси ва секретариатининг кадрлар билан ишлаш соҳасидаги фаолияти ҳам қониқарсиздир. Бу борада қатъий назорат, изчиллик, принципиаллик йўқ. Область партия комитетининг кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш услуби ҳақида гапирганда, айниқса, ошкоралик ва коллегиалликнинг етишмаслиги кечириб бўлмас ҳолдир. Оқибатда обком бюроси номуносиб кадрларни бир хизмат курсисидан бошқасига ўтқизиб қўйиш, райком секретарларини тез-тез алмаштиришдек яроқсиз иш практикасига барҳам бера олмаяпти. Айни вақтда кўпгина ишбилармон кадрлар эътибордан четда қоляпти. Айнан область партия комитетининг ўзидан ҳам кўпгина ходимлар нима учундир бошқа ишларга ўтиб кетишди. Кадрлар билан ишлашда энг муҳим жиҳатлардан бири бу кекса авлоднинг, заковати, бой тажрибаси билан ёшларнинг ғайраттшижоати, билимдонлигини уйғунлаштириб олиб боришдир. Бу занжирда узилиш бўлиши ёмон оқибатларга олиб келади. Кейинги йилларда, айниқса, Андижон областида, афсуски, ана шундай узилишга йўл қўйилди. Энди бу ҳолни зудлик билан бартараф этиш лозим.

ҚИСҚАЧА ЧЕКИНИШ: Область партия комитети, унинг бюросининг кейинги йиллардаги ташкилотчилик, мафкуравий, сиёсий-тарбиявий фаолиятига қандай баҳо берасиз! Биз шундай савол билан обкомнинг айрим секретарларига мурожаат қилиб, қуйидаги жавобларни олдик:

И. КОЧМАРИК, обкомнинг иккинчи секретари: — Ҳали одамлар қалбига йўл топа олганимиз йўқ. Раҳбар кадрларимизда билимдонлик, ўз ишини пухта билиш хусусияти етишмайди. Уларнинг одамларга муносабатида жиддий бурилиш ясаш керак. Кадрларни барқарорлаштириш, уларнинг дадил, туртинмасдан ишлашига, ташаббускорлигига эришиш керак. Область партия комитети ўз фаолиятини одамларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондиришга, улар тўғрисида ғамхўрлик қилишга қаратмоғи даркор.

Қ. ХОЛМИРЗАЕВ, обком секретари:— Бошқа областларда маслаҳатлашиб туриш мумкин бўлган кекса кадрлар кўп. Бизда эса ана шундай маслаҳатлашадиган кадрларнинг ўзи қолмади. Биринчи секретаримиз М. Орипжонов барча йиғинларда танқид учун имкон бўлиб қоляпти.

Ж. ХАЛИЛОВ, обкомнинг идеология бўйича секретари: — Ўтган йили меҳнат коллективларида 300 мартадан ортиқ бўлдик. Одамлар кўп нарсалар ҳақида ўз саволларига жавоб ололмаяптилар. Ҳафсаласизлик, тажанглик кучайган, бирор-бир воқеадан сўнг энди буёғи нима бўлади, деб ваҳимага тушиш ҳолати юзага келяпти. Матбуотни ҳам ўқимай қўйишди.

БИЗНИНГ ИЗОҲ: Ж. Халилов биз билан суҳбатлашаётганда у бундай савол-жавобдан норозилигини, агар фикрлари газетада бериладиган бўлса, уни кўрсатиб, ўқитиб олишимизни ёки бўлмаса бундай савол-жавобни обкомнинг секретариатини йиғиб ўтказишни талаб қилди. Хўш, шундай ошкоралик ва демократия замонида секретарь нимадан чўчиди экан! Саволларимизга жавоб бера туриб, область партия комитети, унинг бюроси фаолиятидаги лоақал бирорта ҳам хато ва камчиликни «кўра олмагани», айтмаганидами! Ёки область партия комитетининг идеология соҳасидаги ишлари қониқарсизлигидами!

— Пўлат Қаюмович, сиз узоқ йиллар турли даражадаги партия комитетларига секретарь бўлгансиз. Демократия ва ошкоралик, фикрлар хилма-хиллиги кучайган, шулар билан баробар интизомсизлик, тартибсизлик, бебошликлар ҳам юзага келаётган ҳозирги шароитда, сизнингча, партия ходимларида, айниқса, раҳбар кадрларда қандай хислатлар етишмайди, улар фаолиятида қандай камчиликларни кўрасиз? Партия ходимининг ўрни ва роли ҳақида нималар дея оласиз?

— Тўғри, партиявий иш, айниқса, ҳозирги шароитда анча оғир иш бўлиб қолди. Уни партия ходими бўлиб ишлаган ва ишлаётганлар билади. Уч йилдан буён пенсияда бўлсамда Марказий Комитет, область партия комитетининг кўпгина тадбирларида, турли комиссиялар ишида тез-тез қатнашиб турганлигим учун мен буни ҳозир ҳам чуқур ҳис этиб турибман. Айниқса, Фарғона воқеалари чоғида партия ходимлари ва раҳбарларининг нималарга қодир ёки қодир эмаслиги яққол аён бўлди. Бир мисол: ўтган йили 14 июнь куни биз обком секретари Ж. Халилов билан Шаҳрихонга бордик ва бу ерда вазият мураккаблигини кўрдик. Бир кун илгари — 13 июнда бир гуруҳ ёшлар СССР халқ депутати Т. Охунов билан учрашув ташкил этишни талаб қилиб район партия ва шаҳар ижроия комитетларига боришган ва бунга розилик олишган экан. Бироқ шу куни ёшлар белгиланган вақтда клубга келмай, стадион яқинига йиғилиб, митингни стадионда ўтказишни талаб қила бошлашди. Райком секретарлари, шаҳар ижроия комитети раисининг учрашувни белгиланган жойда ўтказиш учун ёшлар вакиллари билан олиб борган мулоқоти фойда бермади ва соат 18 га келиб стадионга 1,5 мингдан зиёд одам йиғилиб, асабий бир ҳолат юзага келди. Натижада учрашувни стадионда ўтказишга тўғри келди. Одамлар билан мулоқот тўрт соатдан ортиқ давом этди. Кишилар ўз исми-шарифларини ва ким бўлиб ишлашларини айтиб сўзладилар. Кўпгина ёшлар вакиллари ҳам гапиришди. Дардини айтадиганлар кўп эди. Улар асосан социал масалалар, ҳал бўлмаётган муаммолар ҳақида сўзлаб, маҳаллий органлар фаолиятидан қониқмаётганликларини билдирдилар. Шу ерда ҳозир бўлган бирорта ҳам райком бюроси ёки райижроком аъзосининг, корхона, ташкилот ва хўжаликлар раҳбарларининг эса сўзга чиқишга юраги дов бермади. Митингда мен ҳам сўзга чиқиб, бу ерда кўпгина масалалар тўғри қўйилаётганини, бироқ барча муаммоларни ўзимиз, ҳаммамиз биргаликда ҳал қилишимиз кераклигини таъкидладим. Бундан роппа-роса 30 йил муқаддам ана шу районда бир қанча вақт райкомнинг биринчи котиби бўлганлигим, ўша вақтда қилинган ишлар, район тарихи ва унинг элга машҳур кишилари ҳақида гапирдим. Очиғи, ўз вақтида партия ишида ишлаганим, ўз фаолиятим давомида қандайдир из қолдира олганим шу ўринда қўл келди. Обкомнинг котиби ҳам сўзлади. Митинг хотиржамлик билан якунланди. Кейинги куниёқ обком секретари, райком, район ва шаҳар ижроия комитетлари раҳбарлари иштирокида жойнинг ўзида митингда кўтарилган масалаларни ҳал этиш юзасидан аниқ тадбирлар белгиланди ва уларнинг бажарилиши тўғрисида халққа мунтазам равишда ахборот бериб бориладиган бўлди.

Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мана шу воқеанинг содир бўлишида мен асосан маҳаллий органлар вакилларини айблайман. Негаки, биринчидан, митингда сўзлаган кишилар кўп жиҳатдан ҳақ эдилар. Иккинчидан эса, мазкур масалаларни ўз вақтида зудлик билан ҳал этиш мумкин ва лозим эди. Хўш, Москва район партия комитети, район ва шаҳар ижроия комитетлари, бошқа турли хизматлар раҳбарлари бу воқеа содир бўлгунига қадар қаёққа қараган эдилар, нега халқ билан ҳамдард бўлолмадилар? Халқнинг дардини тинглаш, мушкулини енгиллатиш учун елиб-югуриш шуларнинг вазифаси, бурчи эмасмиди? Шу районда яшовчи, «Правда» колхозининг бригада бошлиғи, обкомнинг бюро аъзоси Ф. Иброҳимов нима сабабдан мазкур митингда бўлмади? Шундай пайтда область партия комитетининг бу ерда кўтарилган масалалар юзасидан тутган йўли, нуқтаи назари ҳақида одамларга сўзлаб бериш унинг вазифаси эмасмиди? Обкомнинг бюро аъзолигига у ҳурмат учун сайланганмиди?

Бу воқеа шундан далолат берадики, ҳали кўпгина жойларда партия ходимлари, коммунист раҳбарлар халқ қалбига чуқур кириб бормаганлар, халқ дардини яхши билмайдилар. Ҳатто одамлар орасида иш олиб боришни, улар билан гаплашиш, дардлашишни ҳам билмайдилар. Ҳолбуки, кўпгина муаммоларнинг ечимини халқнинг ўзи айтиб беради, ўзи ҳал қилишга кўмаклашади. Энг яхши маслаҳатчимиз ҳам — халқ! Зотан лозим бўлганида 45 кун ичида 240 километрли катта Фарғона каналини бунёд этган халқимизнинг қўлидан ҳозир ҳам ҳар қандай қийин юмуш келишига мен аминман.

Адолат юзасидан айтганда, айниқса кейинги бир-икки йил ичида жойларда раҳбарлик вазифаларига халқ истайдиган муносиб вакиллар ҳам кела бошладилар. Бу қувонарли. Бироқ рўйрост айтиш керак, ҳозир нафақат Андижон области, балки бутун республикамиздаги кўплаб районлар, шаҳарлар, бир қанча областларда халқ дардига малҳам бўлолмайдиган, у билан тиллаша билмайдиган, савияси паст партия ходимлари, раҳбарлар оз эмас. Уларнинг аксариятида ишбилармонлик, қатъиятлилик ва билимдонлик хислатлари, мустақиллик, дадиллик ва шижоаткорлик туйғуси етишмайди. Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига сайлов ўтказувчи марказий сайлов комиссиясининг аъзоси сифатида айтмоқчиманки, яқинда бўлиб ўтган сайловларда ҳам депутатликка номзоди кўрсатилган бир қанча партия ва совет органлари раҳбарларига халқ ишонч билдирмади, уларни депутат қилиб сайламади. Бу ҳам фикримизнинг яққол исботидир. Жойлардаги кўпгина партия, совет раҳбарларимиз ҳали ўз камчилик ва хатоларини, уқувсизликларини мардлик билан тан олиб, ишни эплай олмаётганликларини ўзлари ҳис этиб, истеъфога чиқишни ўрганганларича йўқ.

Назаримда, республикамиздаги ҳар бир коммунистнинг, қолаверса, ҳар бир гражданнинг энг муҳим вазифаларидан бири хоҳ партия комитетларига бўлсин, хоҳ Советларга ёки бошқа давлат органлари, жамоат ташкилотларига бўлсин халқнинг энг муносиб вакилларини сайлаш учун қатъий курашишдан иборатдир. Қайта қуриш, демократия ва ошкоралик даври бизга ҳозир айнан ана шундай курашиш ҳуқуқини беряпти!

Бинобарин, КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленуми, унда маъқулланган Ҳаракат дастури лойиҳаси ҳам бу борада катта истиқболлар очади. Ҳар бир коммунист раҳбарни барча коммунистлар ва партиясизлар, меҳнаткаш омма танлаши ва сайлаши учун имкониятлар кенгаймоқда. Энди нафақат жамият, балки партия ҳақидаги тасаввурларимиз ҳам ўзгариб, кенгайиб ва чуқурлашиб боряпти. Партия ички ҳаётидаги туб ўзгаришлар, демократиялаш жараёни аввало партия ходимлари, раҳбарлари зиммасига катта масъулият юклайди, уларнинг вазифалари янада мураккаблашади. Бироқ ана шундай жараёнда ишлаш қизиқарли ҳамдир. Чунки энди бевосита халқ билан мулоқот қилишга, ҳамиша унинг орасида бўлишга тўғри келади. Халқдан ажралиб қолиш муваффақиятсизликка олиб боради.

Ҳозирги кунда эса асосий душманимиз ўз идрокимизда, бу тафаккуримизнинг қотиб қолганлигида, теварак-атрофимизда юз бераётган воқеаларга ҳамиша ҳам янгича кўз билан қарай олмаётганимиз, замон билан ҳамқадам бўлолмаётганимизда. Шу боис ҳам энди барча даражадаги кадрларимизни, айниқса, ёшларни ўз кучига ишонадиган, ўз ҳақ-ҳуқуқларини биладиган ва унинг учун курашадиган, воқеликка теран тафаккур билан қарайдиган, ҳалол, пок, эътиқодли ва иродали қилиб тарбияламоғимиз лозим. Бу Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ва умуман жойлардаги барча даражадаги сайлаб қўйиладиган партия органларининг аъзолари бўлган биз, ветеран коммунистлар зиммасига ҳам катта масъулият, мажбурият юклайди.

Жамиятимизда қийинчилик билан кечаётган қайта қуришни Октябрь ишининг давоми, деб бежиз айтилмаяпти, албатта. Зеро, ишчи ва деҳқонлар, барча йўқсиллар манфаатини кўзлаб амалга оширилган инқилобни, унинг узвий давоми бўлган қайта қуришни партия муайян хатолар, адашишлар ва оғишлар билан бўлса-да, пировардида поёнига етказишига аминман.

Суҳбатни «Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари Анорбой ҚУРОНБОЕВ ва Олим НАЗАРОВ олиб бордилар.

Дунё овози

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

● ТУНИС. Исроилнинг босқинчи маъмурлари Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғи ва Ғазо минтақасидаги университетларни май ойининг охиригача ёпиб қўйишга қарор қилганликлари муносабати билан араб давлатлари уюшмаси бу қарорни кескин қоралади.

Бу ерда тарқатилган баёнотда ана шу уюшма бу қонунга зид қарорни бекор қилишни ва Фаластин олий ўқув юртларини очишни талаб қилди. Босқинчи маъмурлар кўрган чора, дейилади ҳужжатда, инсоннинг асосий ҳуқуқларига зиддир, Фаластин халқига нисбатан Исроил қатағон сиёсатининг янги давраси бошланганлигидан далолат беради.

● ҚОҲИРА. Бир гуруҳ фаластинликлар Байт—Ҳанун шаҳридаги чегара соқчиларига ҳужум қилиши оқибатида Исроилнинг беш нафар чегарачиси яраланди, деб хабар берди МЕНА агентлиги. Чегарачиларга тош ва шишалар отилган эди.

Байт—Ҳанунда комендантлик соати жорий этилди. Кўплаб жойларда тинтув ўтказилиб, одамлар қамоққа олинмоқда. Жазо отрядлари маҳаллий аҳолидан ўч олаётганда 8 фаластинлик яраланди.

● ПАРИЖ. Совет Иттифоқидан келаётган муҳожирлар босиб олинган араб ерларида жойлаштирилаётгани муносабати билан фаластинликлар жуда ташвишланишмоқда. Бу кишилар орасида АҚШга жўнаб кетишга даъватлар битилган, номаълум одамлар ёзган варақалар тарқатилмоқда, дейилади Франция «Антенн—2» телекомпаниясининг репортажида, бу репортаж Исроилдан ва босиб олинган араб территорияларидан кўрсатилган.

Фаластинликлар муҳожирларнинг янги кенг кўламдаги оқими бошланишидан хавотирга тушмоқдалар ҳамда Иордан дарёсининг ғарбий соҳили ва Ғазо минтақасидаги фаластинликлар қўзғолони — интифада янги куч билан авж олиши мумкин, демоқдалар. Шундай қилиб, деб таъкидланди телерепортажда, муҳожирлар Исроил босқинчиларига қарши курашаётган Фаластин жангчилари билан тўқнашадилар.

(ТАСС).

ҲАЁТГА ОШУФТА. Варна шаҳрининг фуқароси Андрине 110 ёшга тўлди. Узоқ яшашингизнинг сири нимада, деган анъанавий саволни унга кўплаб беришади. — Очиқ кўнгиллилик ва табассум мени шу ёшга етказди, дея жавоб қилади у.

БТА—ТАСС суратн.

ИСЛОҲОТ ШАРОИТИДАГИ ВАЗИФАЛАР

2 март куни Тошкентда Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти Ўзбекистон республика кенгашининг пленуми бўлиб ўтди.

Мамлакат ва республика регионал хўжалик ҳисобига ўтганлиги муносабати билан жамият кенгашларининг ҳам, унинг бўлинмаларининг ҳам хўжалик ҳисоби фаолиятини ривожлантириш зарур эканлиги пленумда таъкидланди. Кейинги икки йил давомида бу борадаги иш тажрибаси умумлаштирилди. 4,6 миллионликдан ортиқ хўжалик шартномалари тузилди. Хўжалик ҳисоби фаолияти эвазига жамият кўрган даромад республикада қарийб ярим миллион сўмни ташкил этди. Жамиятнинг Тошкент, Қашқадарё, Қорақалпоғистон, Наманган область кенгашлари ўз моддий базасини мустаҳкамлаб олдилар. Шу билан бир вақтда Сирдарё, Бухоро, Хоразм, Самарқанд областларида хўжалик ҳисоби муносабатлари суст ривожланмоқда.

Пленумда Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти бошланғич ташкилотларини тузишнинг янги принципини маъқуллади, Бу эса ихтирочилик ва рационализаторликни ривожлантиришга кўмаклашади. Бошланғич ташкилотлар юридик шахс ҳуқуқига эга бўлиб, территориал негизда тузилади. Шаҳар, район ёки бир қанча районларнинг корхона ёки ташкилотлари, ҳаваскор ижодий клублари уларга аъзо бўлиши мумкин. Биринчи навбатда хўжалик ҳисоби фаолияти улар учун молиявий база бўлади. Бўлинмаларнинг структуравий шакли ғоят хилма-хил бўлиши мумкин.

Пленум Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти республика, область, шаҳар кенгашларига бюджетни тузиш ва пул билан таъминлаш манбаини белгилашда тўла мустақиллик бериш, юқори ташкилотларга пул ўтказишнинг энг кам фоизини белгилаш зарур, деб ҳисоблашга қарор қилди.

Пленум ишида Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти марказий кенгаши раисининг ўринбосари В. Б. Южина иштирок этди.

(ЎзТАГ).

СИНОВ

Тўрақўрғондаги «Ширинлик» корхонасининг маҳсулотлари харидоргир бўлиб бормоқда. Корхонада замонавий ускуналарнинг ўрнатилиши туфайли самарадорлик ҳам, сифат ҳам яхшиланаётир.

Швециянинг «Сандвик процесс система» фирмасининг Италиядаги корхонаси мутахассислари ёрдами билан узум қуритиш бўйича ўрнатилган линия синовдан ўтказилмоқда. Қайта синов ёз фаслида, узум пишиб етилган пайтда ҳам ўтказилади.

Олтинга тенг нархда сотиб олинган ускуналар бекор туриб қолмаслиги учун фирма билан келишилган ҳолда бу ерда пиёз, сабзи, карам маҳсулотларини қуритиш ҳам йўлга қўйилди. Бир соат мобайнида 2 тоннагача янги маҳсулот қайта ишланади. Мамлакатимизнинг турли бурчакларидаги корхоналар билан қуритилган маҳсулот етказиб бериш ҳақида шартномалар имзоланди. Ҳисоб-китобларга кўра 1 килограмм қуритилган пиёз корхонага 1,5 сўмдан 1 сўм 70 тийингача соф фойда келтиради. Ҳозир бу хил маҳсулотларни жўнатиш ишлари бошланди.

Маҳсулотни қайта ишловчи корхонада помидор, қизил лавлаги, кўкатлар, шунингдек бошқа сервитамин мева-чеваларни қуритиш режалаштирилмоқда.

Суратда: пиёзни қайта ишлаш линиясида.

А. КОВТУН сурати (ЎзТАГ).

КЎП ТАРМОҚЛИ ХЎЖАЛИКДА

«Коммунизм» жамоат хўжалиги Риштон районидаги бақувват хўжаликлардан бири. Иқтисодий кўрсаткичлар йил сайин яхшиланиб бораётир. Пахтачилик билан бир қаторда чорвачиликка ҳам эътибор кучайтирилмоқда. Пахтакорлар бу йил 1650 гектар майдонга чигит экишади.

Манзура Отабоевани хўжаликда ҳамма ҳурмат қилади. У илғор чорвадор. Жорий йилнинг дастлабки ойларини муваффақиятли якунлади. Жамоат ишларида ҳам фаоллик кўрсатмоқда. У район партия комитети аъзоси. Яқинда у область Совети депутати қилиб сайланди.

Суратда: илғор сут соғувчи М. Отабоева.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ суратн.

ҚОҒОЗДАГИ ЭМАС, АМАЛДАГИСИ КЕРАК

Муборак районидаги «ВЛКСМ 60 йиллиги» совхози маъмурий биноси ёнидаги кўрсаткич тахтада битилган рақамларни кўриб кўзингиз қувнайди. Агар зиммага олинган ана шу улуғвор вазифалар уддаланса борми, хўжалик меҳнаткашлари Озиқ-овқат программасини бемалол амалга оширган бўладилар. Биз хўжаликда бўлиб, ана шу вазифанинг бажарилиши билан қизиқдик.

— Нима, ишларимиз ёмонми? — дея кўрсаткич тахтага ишора қилди совхоз бош экономисти Э. Бозоров. — Давлатга пахта ва пилла сотиш планларини биринчилар қатори дўндириб бажардик-ку?!

— Ҳеч ким ёмон деяётгани йўқ. Сабзавот ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш-чи? — деб сўрадик.

Бу саволимиз бош экономистга ёқмади ва у совхоз директори М. Йўлдошевнинг рухсатисиз биронта факт бермаслигини дангал айтди. У Муборак шаҳар партия комитетидан қўнғироқ бўлгандан кейингина масаланинг жиддийлигини тушунди.

Очиғини айтганда, бош экономистнинг оёқ тираб олганича бор эди. Кўрсаткич тахтадаги кўпгина рақамлар қоғозда қолганди. Тўғри, давлатга 4500 тонна ўрнига 4908 тонна пахта, 4,5 тонна ўрнига 5,5 тонна пилла сотилди. Шунга қарамай, полиз, ҳўл мева, сут, тухум тайёрлаш планлари аранг учма-уч бажарилди. Совхоз раҳбарлари ўтган йили гўшт ва сабзавот маҳсулотлари етиштиришдаги қолоқлик доғини ювиб, хўжаликни комплекс ривожлантирамиз, дея қоп-қоп ваъда берган эдилар. Афсуски, ваъдалар қоғозда қолди. Йил давомида 300 тонна ўрнига бор-йўғи 94 тонна сабзавот маҳсулотлари етиштирилди. Давлатга гўшт сотиш плани аранг 46,6 процентга етди.

Хўш, бундай аҳволга тушишнинг сабаби нимада? Унумдор ерлар етишмайдими? Етишади, сабзавотдан мўл ҳосил етиштириш учун барча имкониятлар ҳам бор. Унумдор ер, сув, ўғит ва техника етарли. Бироқ эътиборсизлик, деҳқончилик маҳсулотларини етиштиришга юзаки қараш оқибатида ҳосилдорлик паст. Чорвачиликда ҳам маҳсулдорлик ошмаяпти. Масалан, тухум тайёрлашда 1988 йилдагига нисбатан 30600 донага, сут соғиб олиш ҳар бош сигирга 1805 литрдан 1638 литрга камайиб кетганлигини қандай баҳолаш мумкин?

Совхозда бу йил ҳам чорвачилик маҳсулотлари тайёрлашда умумий аҳвол ўзгармаяпти. Январь ойида давлатга бир килограмм ҳам гўшт топширилмади. Соғин сигирлардан сут соғиб олиш ҳам кундан-кунга камайиб бормоқда. Бунинг турли сабаблари бор. Чунки хўжаликнинг З. Ҳайдаров мудирлик қилаётган қорамол фермасида чорва қишлови жуда қийинчилик билан ўтмоқда. Ҳар бир қорамолга кунига рационда белгиланган 12 килограмм ўрнига 10 килограммга етар-етмас дағал хашак бериляпти. Ширали, сервитамин озуқа йўқ. Ўтган йили совхоз бўйича дағал хашак тайёрлаш плани 28,4 процентга бажарилгандан кейин мўл озуқа тўғрисида яна қандай гап бўлиши мумкин? 590 тонна ўрнига 168 тонна дағал хашак, 6250 тонна ўрнига 2700 тонна маккажўхори жамғарилган, холос. Бунинг айни қиш-қировли кунларда маҳсулот тайёрлашга зиёни тегди. Соғин сигирлар маҳсулдорлиги пасайди. Мавжуд 94 бош соғин сигирдан ҳар куни ўртача 6—6,5 литрдан сут соғиб олиняпти.

Шунингдек, фермада сут соғувчи ва молбоқарларга дам олиш учун маданий-маиший шароит яратилмаган. Совхоз маъмурияти томонидан фермага бириктирилган чорва мутахассислари О. Мелиев ва Н. Чўлиев аҳволни изоҳлаб бера олмадилар. Зооветеринария хизмати талаблар даражасида эмас. Молларни сунъий қочиришга юзаки қараляпти. Шунинг оқибатида ўтган йили бузоқ олиш плани ҳам бажарилмади. Ҳар 100 бош сигирдан 46 тадан бузоқ олинди, холос.

Ферма мудиридан тортиб совхоз раҳбарларигача Озиқ-овқат программасини бажаришнинг асосий шартларидан бири чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга лоқайдлик билан қараётганликлари жуда қимматга тушмоқда. Агар шу кунларда четдан хашак сотиб олиб бўлса ҳам молларга едирилмаса, мавжуд 700 бош қорамолнинг аҳволи оғирлашади. Табиийки, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш таннархи қимматлашмоқда. Бир центнер гўштнинг таннархи пландаги 272 сўм ўрнига 514 сўмга тўғри келаётганлигининг ўзи фикримизга далил.

Бундай аҳвол билан совхоз экономикасини комплекс ривожлантириш ва меҳнат аҳлининг турмуш фаровонлигини ошириш мумкинми? Асло мумкин эмас. Даромадга қараб буромад, дейдилар. Иш натижаси кўнгилдагидек бўлмагач, кўп даромаддан умид қилиш қийин, албатта. Натижада совхоз маркази — Хитой қишлоғида уй-жой ва маданий-маиший объектлар қурилишига ҳам етарли эътибор берилмаяпти. Бир вақтлар ғиштдан ва тахтадан тикланган уй-жойлар қаровсизлиги туфайли нураб боряпти.

— Мана, жуда кўплаб одамларга томорқа участкалари бердик, — дейди партком секретари А. Норбўтаев. — Энди уй-жой қуриб олишса бўларди.

Томорқа участкаси берилганлиги нур устига аъло нур. Аммо колхозчининг даромади уй-жой қурилишига етармикан? Уларга қурилиш материалларини ким топиб беради?

Буларнинг ҳаммаси хўжалик иқтисодиётини тиклашга боғлиқ. Афсуски, қулоғигача қарзга ботган хўжалик бу ишларни амалга ошира олмайди. Совхоз директори М. Йўлдошев, партия комитети секретари А. Норбўтаев буни тўғри англаб, қуруқ гапдан амалий ишга ўтиш пайти келганлигини ҳиқ қилишлари зарур.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

• Мухбиримиз бонг уради

МУСОБАҚА КУНДАЛИГИ

ҚИШЛОҚ АЁЛЛАРИГА ДОИМИЙ ИШ ЖОЙИ

◆ Қизилтепа районида ишсиз қишлоқ аёлларини ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиш муаммоси ўз ечимини топмоқда.

Шу мақсадда ўтган йили Киров шаҳридаги трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси маъмурияти билан келишган ҳолда районнинг «Партия XXII съезди» колхозида бирлашманинг тикув цехи филиали очилган эди. Ушбу цех учун Украинадан 45 та дастгоҳ келтирилиб, монтаж қилинди. Натижада 140 нафардан зиёд хотин-қиз доимий иш жойига эга бўлди.

— Бу йил тикув ускуналарининг сонини 70 тага етказмоқчимиз, — дейди цех бошлиғи З. Алиев. — Шунга яраша қўшимча яна 160 нафар хотин-қизни иш билан таъминлаймиз.

Цех коллективи айни кунларда съездолди мусобақасини авж олдиряпти. Айниқса, И. Умедкулова, О. Кенжаева, Н. Шоназарова, Қ. Файзиева сингари тикувчилар топшириқларни 1-1,5 ҳисса ошириб уддалашяпти.

Бу йил цех ишчилари аҳолига 500 минг дона турли хил болалар кийим-кечаги етказиб беришни ва маҳсулотлар сотишдан 12 минг сўм соф фойда олишни кўзда тутишяпти.

Б. МАНСУРОВ.

ЎЗБЕК ГАЗЛАМАСИ — ХОРИЖДА

◆ Марғилон хонатласига бўлган талаб фақат республикамиздагина эмас, балки Иттифоқимизда ҳам йилдан-йилга ошиб бораётир.

Буни қуйидаги кўрсаткичлардан билса бўлади: 1989 йили «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмаси тайёрлаган газламаларни мамлакатимиздаги 168 та савдо базаси қабул қилиб олган бўлса, бу йилдан бошлаб маҳсулотлар 180 та истеъмолчи ташкилотга жўнатилмоқда. Ҳозир бирлашмада 70 хил нусхадаги хонатлас ва бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётир.

Атлас тўқувчилар хорижий мамлакатларга ҳам сифатли газламалар етказиб беришни ўз зиммаларига олишди. Жумладан, ўтган йили Хитой Халқ Республикасига, бу йилдан бошлаб эса Покистоннинг «Меркурий» фирмасига газламалар юборияпти. Покистонга 300 минг метр бекасам жўнатилди. Бу алоқалар «Союзпромимпортторг» воситачилигида амалга оширилмоқда.

Товар айирбошлаш мақсадларини кўзловчи бундай ҳаракат эвазига «Меркурий» фирмасидан турли хил бошқа газламалар, эркаклар куйлаклари, пойабзаллар олиняпти.

А. ҚИРҒИЗОВ.

Усмон Юсуповни эслаб

1990 йилда республикамиз жамоатчилиги Усмон Юсупович Юсупов туғилган куннинг 90 йиллигини нишонлайди. У. Юсупов меҳнаткаш халқ орасидан чиқиб, кейинчалик таниқли сиёсий, давлат ва жамоат арбобига айланди. Ўзбекистоннинг халқ хўжалиги, фани ва маданиятини ривожлантириш учун анчагина ишлар қилди.

Усмон Юсупов 1900 йилда Фарғона область Олтиариқ районидаги Каптархона қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилди. 1916 йилдан бошлаб Қовунчи (ҳозирги Янгийўл) пахта заводида пессловчи бўлиб ишлай бошлади. У. Юсуповнинг ижтимоий-сиёсий қарашларини шакллантиришда рус пролетариатининг илғор намояндалари катта ҳисса қўшдилар. Усмон Юсупов 1924 йилда ВКП/б/ аъзолигига номзодликка қабул қилинди. 1926 йилда эса партия аъзоси бўлди.

У. Юсуповнинг катта сиёсий кўламдаги арбоб сифатида ҳаёти босқичларини мана шу қисқача маълумотнома асосида кузатиш мумкин. У 1927 йилда бинокор ишчилар касаба союзи Тошкент округ комитети раҳбарлигига кўтарилди. 1929 йилда Тошкент округ партия комитети секретарлигига, сўнгра эса Ўзбекистон Компартиясининг IV съездида Марказий Комитет секретарлигига сайланди.

1931 йил сентябридан то 1934 йил ёзигача ВЦСПС Ўрта Осиё бюросига бошчилик қилди. Шундан сўнг уни ВКП/б/ Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм олий курсларига ўқишга юборишади. У. Юсупов ўқишни битириб келгач Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати халқ комиссари этиб тайинланади. 1937 йил сентябрида оммавий қатағон бутун мамлакатни ўз домига тортганда Ф. Хўжаев ва А. Икромовлар ҳам қурбон бўлдилар. Шунда У. Юсупов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретарлигига сайланди. У бу лавозимда 1950 йилгача — СССР пахтачилик министри этиб тайинлангунича ишлади.

У. Юсупов республика партия ташкилотига бошчилик қилар экан, жумҳурият коммунистларини, барча меҳнаткашларини тинч даврдаги ва ҳарбий вақтдаги мураккаб вазифаларни бажаришга сафарбар этиш масалалари билан фаол шуғулланди. У ўзини оммаларнинг талаб-эҳтиёжларини яши билувчи, орзу-умидларини тушунувчи, меҳнаткаш инсоннинг битмас-туганмас ижодий кучларига ишонувчи ҳақиқий халқ саркори эканлигини намойиш этди.

Партия раҳбарининг катта ташкилотчилик истеъдоди Катта Фарғона канали қурилиши даврида яққол кўринди. Узунлиги 270 километрли бу канал 45 кун мобайнида қуриб битказилди. У иқтисодиётни ривожлантиришда, айниқса Ўзбекистонда ва қардош Тожикистонда пахтачиликни тараққий эттиришда зўр аҳамият касб этди.

Улуғ Ватан уруши йилларида У. Юсупов бошлиқ жумҳурият партия ташкилоти республиканинг иқтисодий ва ишчи кучларини душманга зарба беришга сафарбар қилиш учун кўп қиррали улкан ишларни олиб борди. Ўзбекистон фронтнинг қудратли аслаҳахонаси, унинг моддий-техника ва озиқ-овқат базаси бўлиб қолди. Бу ерга салмоқ 100 та саноат корхонаси кўчириб келтирилди. Ўн минглаб ишчилар қабул қилинди ва жойлаштирилди. Қисқа муддат ичида фронтдан анча олисда самолётлар, минномётлар, снарядлар ва бошқа ҳарбий маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Республика партия ташкилоти кўчириб келтирилган корхоналарни хом ашё ва ишчи кучлари билан тўхтовсиз таъминлаш борасида катта ишларни бажарди. Буларнинг ҳаммасида У. Юсуповнинг муносиб хизматлари бор.

Ўзбек халқи мамлакатнинг душман босиб олган жойларидан кўчириб келтирилган миллиондан ортиқ кишиларни, ота-оналаридан жудо бўлган 200 мингдан зиёд болаларни қардошларча бағрига олди. Болалар уйларида ва минглаб ўзбек оилаларида норасидалар тўғрисида беқиёс ғамхўрлик кўрсатилди. Жумҳуриятимизда Ўзбекистонга келган таниқли фан, маданият ва санъат арбобларининг самарали ижод қилишлари учун ҳамма шарт-шароитлар яратилди. Улар орасида Алексей Толстой, Якуб Колас, Анна Ахматова, Николай Погодин, академиклардан Б. Д. Греков, В. В. Струве ва бошқалар бор эди. Ленинград консерваторияси, СССР Фанлар академияси ва Белоруссия Фанлар академиясининг бир қисм бўлимлари ва институтлари, Иван Франко номидаги украин театри, Ленин комсомоли номидаги Москва театри ўз фаолиятларини бошлаб юбордилар.

Республика партия ташкилоти уруш тугаши билан Ўзбекистон халқ хўжалигини янада ривожлантириш ва айни пайтда душмандан озод қилинган районлардаги хонавайрон бўлган хўжаликларни тиклашга ишчи кучлари ва техника билан ёрдам кўрсатиш борасида ишларни кучайтирди. У. Юсупов шундан сўнг қайси лавозимда — СССР пахтачилик министри, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси, «Боёвут» совхозининг директори, «Халқобод» совхози директори вазифаларида ишламасин, барибир ҳамма жойда ўзини аямади, бутун куч ва ғайратини сарфлади. У 1966 йилда вафот этди.

1937—1939 йиллар унинг ҳаётида анча машаққатли ва зиддиятли давр бўлди. Юқорида айтиб ўтилганидек, у Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретарлигига 1937 йил сентябрида сайланди. Маълумки, бу даврда минглаб бегуноҳ одамларни қиргин-барот этишнинг мудҳиш механизми ҳамма жойда зўр бериб ҳаракат қиларди. Бу механизм 1934 йилдаёқ «Махсус кенгашлар» ва «учликлар» ёрдамида иш бошлаган ҳамда борган сари янги ва янги кишиларни ажал домига тортарди. Сталиннинг ёвуз хоҳиш-иродаси билан республика Компартиялари Марказий Комитетларининг биринчи секретарлари мазкур «махсус кенгашлар» ва «учликлар»га бошчилик қилардилар. Ички ишлар халқ комиссарлиги қамоқхоналарида республиканинг ҳибсга олинган раҳбарларини буржуа-миллатчи, ўнг троцкийчи ва «советларга қарши» ҳамда «партияга қарши» бошқа ташкилотларга гўё мансуб эканликларини «тан олиш»га мажбур қилишган эди. Бу пайтда оммавий ахборот ва тарғибот воситаларида, коммунистлар ҳамда халқ оммасининг йиғилишлари ва митингларида «инқилобий ҳушёрликни ошириш» мақсадида партия ва «Ички ишлар халқ комиссарлигининг шонли органлари» гўё бутун халқ қўллаб-қувватлаши ёрдамида «жосуслар ва қўпорувчилар», «империализм агентлари», «хоинлар ва аксилинқилобчилар»га қарши адолатли кураш олиб бормоқдалар, деган фикр кишилар онгига зўр бериб сингдириларди.

Шуни афсус билан таъкидлаш керакки, У. Юсупов айниқса, оммавий қатағон авж олган дастлабки даврда маълум даражада иродасизлик қилди, фош этишларнинг оммавий тўлқини таъсирига берилди. Айнан шу даврда, 1937 йилда унинг «Аксилинқилобчи тўдаларни охиригача қириб ташлайлик» деган китобчаси чиқди. У бунда республика партия ташкилотининг асоссиз равишда қатағон қилинган таниқли арбоблари Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев ва бошқаларни «халқ душманлари» сифатида айблади.

Бироқ адолат ҳаққи шуни қайд этиш лозимки, оммавий қатағонларнинг ниҳоятда мураккаб вазиятида Усмон Юсупов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ҳамда «Учлик» раиси сифатида бу қатағонлар ҳеч қандай айби йўқ одамларни ҳалок этаётганлигини тушуниб, Сталин, Андреев ва Маленковга мурожаат қилишга ўзида жасорат топди. У ўз хатида нуқтаи назарини баён этди ва Ички ишлар халқ комиссарлиги органларининг ҳамма жойда ва ҳамма кишиларда «халқ душманлари»ни кўраётганлигини қоралаб, уларни тийиб қўйиш зарурлигини баён этди.

Мен шулар ҳақида гапирар эканман, Усмон Юсуповни бутунлай оқламоқчи эмасман. Шубҳасиз, У. Юсупов тарихнинг зиддиятли ҳамда фожиали даврида ва умуман фаолиятининг сўнггги йилларида анчагина нуқсонлар, хатолар ва камчиликларга йўл қўйди. Улар ошкоралик, очиқ-ойдинлик ва демократиялаш вазиятида, айниқса, кўзга яққол ташланмоқда. Бироқ У. Юсупов каби фавқулодда қобилиятли кишининг ижтимоий-сиёсий фаолиятига умумий якун чиқарадиган бўлсак, у урушдан олдин, уруш йилларида ва халқ хўжалигини тиклаш даврида Ўзбекистон иқтисодиёти ва маданиятини ривожлантириш учун жуда кўп иш қилган шахс сифатида тарихда партия ва давлатнинг таниқли арбоби бўлиб қолади, деб тўла асос билан айтишимиз мумкин.

Р. ҒУЛОМОВ,
СССР халқ депутати, уруш ва меҳнат ветеранлари жумҳурият кенгашининг раиси.

АХБОРОТ

ТАЙЁРЛОВ МАРКАЗИ

● Тошкентдаги «Сигнал» кооперативи Сирдарё областидаги Бахт шаҳрида абитуриентларни олий ўқув юртига киришга тайёрлаш марказини очди.

Кооператорлар 14-мактабдаги бир хонани ижарага олиб, уни барча зарур анжомлар билан жиҳозладилар. Республика пойтахтидаги етакчи олий ўқув юртларидан тажрибали педагогларни таклиф қилдилар. Машғулотлар графиги ҳам қулай — улар якшанба кунлари ўтказилади.

●

ТАТАР ТИЛИДА

● Сурхондарё областининг Жарқўрғон шаҳридаги Луначарский номли 1-мактабда факультатив тарзда татар тилини ўрганиш ташкил қилинди.

Машғулотларни Қозон шаҳрида ўқитувчилар малакасини ошириш курсида тайёргарликдан ўтиб келган муаллима Р. Хайрулина олиб боряпти. У ўша ердан зарур ўқув-методик адабиётларни олиб келган. Группада турли синфларда ўқийдиган қарийб йигирма нафар ўғил ва қиз бор.

(ЎзТАГ).

Бетга айтганнинг заҳри йўқ

САНСАЛОРЛИК ҚАЧОНГАЧА?

Бундан беш йил олдин ихтисослашган «Узводреммаш» бирлашмасининг Урганчдаги экскаваторлар ремонти заводи Гурлан филиалини ташкил қилган эди. Ўтган давр ичида филиалимиз коллективи тўла имконият бўлмаса-да, тармоққа тегишли ташкилотларнинг «Т—100МЗ» ва «Т—130М» маркали бульдозерлари ремонтини бошлаб юборганди.

Лекин мустаҳкам ишлаб чиқариш базасига эга бўлмаган филиалимиз тезда реконструкцияга муҳтож бўлиб қолди. Бу ҳақда халқ депутатлари Гурлан район Совети орқали Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги қурилиши Давлат комитетига, республика ихтисослашган «Узводреммаш» бирлашмасига, СССР халқ депутати Н. Собирова орқали Ўзбекистон ССР Олий Советига мурожаат қилдик.

Тегишли лойиҳа-смета ҳужжатларини ҳам тайёрлаб қўйдик. Завод маъмурияти билан келишган ҳолда қайта жиҳозлашга доир ҳамма ишларни бажардик.

Бироқ мутасадди ташкилотлар айби билан реконструкция ишлари асоссиз равишда кечиктирилмоқда.

Бу воқеадан Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги қурилиши Давлат комитетидагилар ҳам хабардор. Аммо улар ҳалигача бирон чора-тадбир кўришга шошилишмаяпти. Хўш, заводнинг Гурлан районидаги филиалини қайта жиҳозлаш қачонгача кечиктирилади? Ушбу саволни энди юқоридаги муассасалар раҳбарларига газета орқали беришга мажбур бўляпмиз. Шояд улар амалий ишга киришиб, филиалимиз реконструкциясини бошлаб юборишга бош қўшсалар.

Корхона реконструкциясини тезлаштириш ҳақида қайгураётганимизнинг сабаблари кўп. Улардан энг муҳими, бу кичик корхона истиқболли экани. Реконструкция ишлари тугалланса, бу ерда янгидан 200 иш жойи очилади. Натижада ишга жойлашолмай юрган меҳнатга яроқли кишилар ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этилади.

Х. ЭШМЕТОВ,
Урганч экскаваторлар ремонти заводининг Гурлан филиали меҳнат коллективи кенгаши раиси ва яна 41 имзо.

ЕР ОСТИ ГАЗИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ангрен «Подземгаз» станциясида бўлган Бутуниттифоқ кенгашида ер остида кўмирни газлаштириш борасида мамлакатда тўпланган тажриба умумлаштирилди. Кенгаш ишида қатнашган олимлар ва амалиётчилар кўмирдан газ ёқилғи олиш технологияси, унинг маҳсулотларидан комплекс фойдаланиш муаммоларини, экология, махсус инженер кадрлар тайёрлаш масалаларини муҳокама қилдилар.

Кўмирдан газ ёқилғисини олиш ғояси янги эмас. Бироқ мамлакатимизда 60-йилларда кўмирдан газ ёқилғи олиш технологиясини яратиш истиқболсиз ҳисобланган эди. Илмий тадқиқотлар тўхтатиб қўйилган, мавжуд «Подземгаз» станциялари ёпиб қўйилганди. Бундан фақат иккита станция истисно бўлиб, унинг биттаси Ангренда ўз ишини давом эттирди.

Мамлакатимизда экологик жиҳатдан тоза ёнилғига хорижий фирмалар қизиққанларидан кейин ҳам аҳамият берилмади: 70-йилларда «ВНИИПромгаз» институти ишланмалари ва Ангрен «Подземгаз» станцияси тажрибаси негизида ер остида газ ёқилғиси олиш усулларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган ҳужжат миллионлаб долларга Америка фирмасига сотилган эди.

Фақат 80-йиллар ўрталарида «Подземгаз» яна совет олимлари, иқтисодчилари экологларининг эътиборинси жалб қилди. Канскачинск ҳавзасидаги қўнғир кўмирдан экологик жиҳатдан тоза газ оладиган СССРда дастлабки корхонани ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилинди, бу корхонани лойиҳалаш ишлари бошлаб юборилди. Техник ечимларни пишиқтиришда турғунлик йилларида яшаш учун қаттиқ курашиб синовдан ўтган Ангрен «Подземгаз» станцияси ёрдам беради.

(ЎзТАГ мухбири).

• Газетхон мулоҳазалари

«Жиддий эътибор берилса...»

● «Совет Ўзбекистони» газетаси қишлоқ ҳаёти муаммоларини дангал кўтариб чиқаётганлиги, бу муаммоларни чуқур таҳлил қилаётганлиги билан менга ёқади. Айниқса, жувоз ҳақидаги мақола, шу мавзудаги ундан кейинги чиқишлар менга маъқул бўлди. Газетанинг ва газетхонларнинг фикрига тўла қўшилган ҳолда ўз фикр-мулоҳазаларимни ҳам билдирмоқчи эдим.

Бундан 45-50 йил муқаддам Зомин районидаги Боғишамол қишлоғида бир неча жувоз бўлгучи эди. Жувоз мойига талабгорлар кўп бўларди. Аслида ҳозир ҳам бу ёғни изловчилар, бошқа вилоятлардан катта пулга бўлсада олиб, тамадди қилувчилар анчагина. Илгариги жувозлардан эса бугунги кунда ном-нишон йўқ. Зиғир ёғини қишлоқдошларимиз дори-дармон сифатида ҳам ишлатишади. Ўшанда ҳам ёғни ё Ўратепадан, ё Самарқанддан олиб келишади.

Шунингдек, мен ғаллани ун ва ем қиладиган сув тегирмонлари хусусида ҳам тўхталмоқчиман. Қишлоғимизда илгари 6 та сув тегирмони бўлган. Улар суткасига 2—2,5 тонна ғаллани ун ёки ем қилиб тортарди. Ҳозир ҳам тегирмон ўрни ва тошлари бор. Мабодо, халқ бу ишга киришса аввал тегирмончи бўлган усталар ҳам топилади.

Сув масаласи ҳам бизда муаммо эмас. Қишлоқ тепасида сув омбори бор. Ҳар йили ёзда 7-8 куб метр сув экинларни суғориш учун берилади. Шу вақтларда ариқларни бетонлаштириб, хоҳлаганча тегирмон юритиш мумкин.

Бу ишларни қилиш катта маблағ талаб қилмайди. Муҳими, жиддий эътибор ва қунт керак.

У. ҚОРАЖОНОВ,
меҳнат ветерани, Сирдарё области.

●

Етилган муаммо

Жувозни ёшлигимда, аниқроғи, уруш даврида, халқимиз ночор яшаётган йилларда кўрганман. Уни ихчам, хонаки ёғ заводига ўхшатгим келади. Ҳар бир маҳаллада ана шундай жувозлар бўларди, ўшанда. Одамлар озми, кўпми ҳовли жойларига экилган кунжут, канакунжут, қовун ва тарвуз уруғларини йиғиб, жувоз ёғи чиқариб олардилар. Бу ёғлар тўйимлигина бўлиб қолмасдан, дори-дармон сифатида ҳам қўлланилар эди. Жувоз ёғи ёрилган, совуқ урган, жойларга темиратки ва турли яраларга суртиларди.

Бундай жувозларни ҳар бир колхоз ёки совхозда кооператив йўли билан қуриш мумкин. Очиқ айтиш керак, 60 минг киши яшайдиган Фарғона вилоятидаги Ёзёвон районида ҳам бирорта жувоз йўқ. Шифобахш жувоз ёғини эса Марғилон шаҳридаги «устамон» ёғфурушлардан қиммат баҳода сотиб оламиз.

Баъзилар бизда жувоз учун маҳсулот йўқ, дейишади. Бекор гап. Маҳсулот етарли. Масалан, ўтган йили район хўжаликларида алмашлаб экишни кенг жорий этиш мақсадида анчагина майдонларга кунжут экилди. «Ёзёвон» ва «Правда» совхозларида, Охунбобоев номли ва «Шарқ юлдузи» колхозларида кунжутдан яхшигина ҳосил олинди. Лекин йиғиштириб олинган кунжут хор бўлди. Охир-оқибат тайёрлов идораларига сув текинга сотилди.

Жувоз қуриш пишиб етилган, аниқ ечимини кутаётган муаммо, қунт талаб қиладиган иш. Ёзёвонда ҳам бу савобли ишга бош қўшадиганлар топилиб қолади, деган умиддаман.

А. МАДРАҲИМОВ,
Фарғона области.

●

Музей растасини безасин

Мен «Совет Ўзбекистони» газетасида Э. Асабоев ва Р. Шамсиевларнинг жувоз ҳақидаги мақолаларини ўқиб, таажжубландим. Уларнинг давримиздаги қудратли техникаларни кўрабила туриб, феодализм даврида қолган, озодаликка, гигиена ва санитарияга зид бўлган жувозни орзу қилаётганлигини қандай баҳолаш мумкин?

Тўғри, илгарилари ҳунарманд одамлар жувоз қуриб, оз бўлсада халқнинг ёғга бўлган эҳтиёжини қондирганлар. Аммо харидорлар жувозкашнинг дўқпўписасини эшитиб, 1-2 кун навбат кутишар, ўшанда ҳам 400-500 грамм ёғ олиш имконни бўларди.

Мамлакатимизда етарлича ёғ заводлари, қудратли техника воситалари мавжуд. Пахта якка ҳукмронлигидан халос бўлган майдонларимизга зиғир кунжут экилса, заводларимиз халқни ёғ билан тўла таъминлай олади. Фақат деҳқонлар парвариш услубларини ўзгартириши, аниқроғи, кимёвий моддалар ўрнига маҳаллий ўғит қўллашлари керак. Шундагина заводдан ҳам газетада таъкидланган «пок ёғ»ни олиш мумкин бўлади.

Фан-техника кучи билан осмонни забт этаётган бир пайтда жувозни қўмсаш... Менимча, жувозхона асбоб-ускуналари эндиликда музейларимиз расталарини безаши керак!

М. МАҲСУМОВ,
Улуғ Ватан уруши ветерани, Наманган шаҳри.

Якшанба саҳифаси

• *Хабарлар* • *Воқеалар* • *Фактлар*

Байналмилал жангчилар тинч хизматда



Уч дўст. Улар тез-тез дийдор кўришиб туришади. Оқшом узра бошланган суҳбат алламаҳалгача чўзилади. Бир пиёла чой баҳона улар жанг кунларини эслашади. Оловли кунлар ёдга олиниб, сафдошлар хизмати, жасорати уларнинг кўз ўнгида яна бир бор гавдаланади. Улар жанггоҳлардан она-Ватанларига, қариндош-уруғлари бағрига эсон-омон қайтиб келишди. Кўксиларини жанговар медаллар безаб турибди. Ҳозир байналмилал жангчилар меҳнат жабҳасида ҳам ўзларини кўрсатишмоқда.

Уч байналмилал жангчи — Александр Проценко, Виктор Сатторов ва Виктор Кузнецов Жиззах вилоятининг Пахтакор районида истиқомат қилишади. Улар ўзларининг байналмилалчилик бурчларини шараф билан ўташди. Дунёда одамийлик ва инсонийлик муносабатлари бор экан кўрсатилган жасорат қайта-қайта тилга олиниши, табиий. Қадриятлар туфайли улар бугун бизнинг сафимизда. Улар ҳам ҳаётга муҳаббат билан қарашаётир. Жўшқин ва қайноқ ҳаётимизда ўз ўринларини эгаллай олганликларидан мамнунлар.

Суратда: А. Проценко, В. Сатторов ва В. Кузнецов хотира альбомини нигоҳдан ўтказишмоқда.

У. ҚУШВОҚОВ сурати.

МЕҲМОНДЎСТЛИК ОДОБИ ҲАҚИДА

● Агар уйингга меҳмон келса, «хуш келибсиз», деб очиқ чеҳра билан кутиб ол, меҳмонни очиқ юзлик билан кутиб олиш катта зиёфат қилиш билан баробардир.

● Меҳмонларнинг олдида ўз яқинларингни уришма, табассум қилиб ўтир, очиқ юзлилик киши учун катта неъматдир.

● Мезбон, уйида овқат тайёр бўлгач, кўп бўлса, атайлаб меҳмон олдига озгина олиб чиқмаслиги ёки ошиқча келтирмаслиги лозим. Меҳмонни кўп ейишда айбламаслик керакки, бу меҳмондорчилик қоидасига хилоф ва меҳмон ҳақига хиёнат бўлади. Қўшни уйдан таом чиқса, бир қисмини ичкарига — болаларга киргизиш мумкин.

● Меҳмонга борсанг уй эгаси кўрсатган жойга ўтир, нима келтирса, индамай е, мезбон ташқарига чиқса, ўрнингдан турма, рухсатсиз нарса қидирма, гоҳ уни, гоҳ буни ушлайверма, аммо китоблари турган бўлса, кўриш мумкин.

● Меҳмон риоя қилиши лозим бўлган одоблардан яна бири шуки, меҳмон мезбонга иш буюрмасин. Чунки, буюрган ишни бажариш мезбон учун оғир бўлиши мумкин.

М. ҲАСАНОВнинг нашрга тайёрланган «Одобнома» китобидан.

• Ибн Сино мадади

ИЛИК УЗДИ ЧОҒЛАРИДА

Наврўзи олам ўз таровати ва кўркини намоён эта бошлади. «Соғлиғингизни наҳор ва баҳорда дилингиз шодликка тўлишидан билинг», деган эди алломалардан бири Г. Торо. Табиат кўм-кўклиги кўзни яшнатади. Шаррос ёмғирлар асабларга ором беради, ҳавони мусаффолайди. Гулдурос момақалдироқ юракларга жўшқинлик бахш этади. Қушлар парвози, қўйу-кўзи, улоғу тойчоқларнинг ўйноқлашидан руҳимиз ва жисмимиз теранлашади.

Баҳор чоғларидаги беқарор об-ҳаво баъзи кишиларнинг руҳиятига, саломатлигига салбий таъсир этмай қолмайди. Узлуксиз ёғингарчиликдан кимларнингдир табиати хира тортиши, асаби қўзғаб, қон босими ошиши табиий. Шамол ва бўрондан табиат муҳитидаги ҳаво босими кескин ўзгариб, юракнинг мижғиб оғришига сабаб бўлади. Зеро, бундай табиат инжиқлигини қон босими паст кишилар осон кўтарадилар. Бошқалар эса оёқ-қўллари замбилдек оғир бўлаётганини ҳис этадилар. Ҳаво авзоининг беқарорлиги қўл, бел, оёқ оғриқларини қўзғаб туради.

Баҳор кезлари, шунингдек, кўпгина кишилар иштаҳасизликка «мубтало» бўладилар. Бундай пайтларда тил қуриши ёки карашли бўлиб, дастурхон ёнида ўзларини нохуш сезадилар. Бу меъдада хлорид ачитқисининг камайганидан нишонадир. Вақтида тўйиб овқатланмасликни одат қилган кишилар бош оғриғи, дармонсизликдан нолийдилар. Кунлар исиши билан жисмонан камқувват кишиларда юрак-томир фаолияти сусайганлиги кузатилади. Оқибатда силла қуриши, бош оғриши, кўнгил айнаши пайдо бўлади.

Одам табиатан баҳор ҳавосига мослашиб боради. Ёз ва куз ойларида истеъмол қилинган ноз-неъматлар қуввати баҳоргача сарф бўлиб кетади. Ваҳолонки, мевалар таркибидаги В, С, РР каби дармондорилар бардамлик бахш этиб туради.

Иликузди кезларда баъзи касалликлар қўзғаб қолиши мумкин. Камқонлик, суяк оқмаси, сурункали зотилжам, ошқозон ёки ўн икки бармоқли ичак каби ҳасталикларга чалинганлар ўзларини ёмон ҳис этадилар. Шунингдек, баҳор ҳавосидаги турли ифорли моддалар ўпка ва нафас йўллари касалларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Маълумки, қиш ойларида кун калта, тун узун бўлиб, кўпроқ уйда ўтиришга, камроқ ҳаракат қилишга тўғри келади. Бу билан жисмоний бироз бўшашишлик, меҳнат қобилиятининг андак камайиши содир бўлади. Шунинг учун баҳор келиши билан куч бериб, жисмоний меҳнатга берилиш мушакларга бироз оғир келиши, кишини толиқтириб қўйиши мумкин. Ҳар бир нарсага оҳиста, мослашиб бориш кўпроқ самара беради. Янги уйга кўчиб ўтган, узоқ сафардан қайтган кишиларнинг жойлардаги табиатга мослашиб олишлари учун кўкатлар қўшилган қатиқ истеъмол қилишгани ҳам шундан.

Кексаларимиз баҳор келди, илик узилди, илдизлар қувват олди, деб бежиз айтишмаган. Наврўз табиатига мослашиб олиш учун қиш ойи охирларидаёқ кўкатларга бой таомлар истеъмол қилиб туриш керак. Чунончи, шолғом, лавлаги, пиёз, сабзилардан ташқари туршак тановвул этиш кўпроқ фойда беради. Айниқса, илк баҳор кезлари оғзи кўкка теккан сигир ва эчки сути ёки бия қимизидан баҳраманд бўлишнинг нафи катта. Аксинча, қишинёзин кўкатлар ва меваларга, сут ва қатиққа бепарво бўлганларнинг аҳволи ночор бўладики, ҳатто улар кўрпа-ёстиқ қилиб ётиб қолишлари ҳам мумкин. Шифокорлар бундай кишиларнинг ниш-дори орқали қувватга киритишга мажбур бўладилар. Отқулоқ, довучча, ялпиз қўшилган шўрва, сомса, хоним каби таомлар истеъмол қилиш лоҳасликни бартараф этади.

Халқимизда етти думалаб, кўкатга етган оёққа туради, деган нақл бор. Сервитаминли ва тотли таомлар бетобликнинг олдини олади Ялпиз овқатни хуштаъм қилиб, иштаҳа кўзғайди. Ровоч тилни карашдан тозалаб; сўлак безларини созлайди. Овқат яхши ҳазм бўлади.

Кўп ўтмай дарахтлар гуллай бошлайди. Гулчанглар эса саломатлик омилларидан бири. Чаманга бурканган боғлар гулчанг аминокислоталар, микроэлементларнинг хазинаси бўлиб, мисоли мўмиёдек ҳужайра тўқималар учун даво бўлади. Гулчанг асалда кўп учрайди. Академик Н. Цициннинг маълумотига кўра, гулчангли асал истеъмол қилувчи асаларичилар умри узоқ бўларкан.

Умуман, иликузди чоғларида лоҳас бўлмаслик учун сув билан ошно бўлиш ҳам яхши самара беради. 16-20 даражали сувда 5-6 марта ювиниб юрган киши ўзини тетик сезиб, кайфияти чоғ бўлади. Обиҳаёт таъсиридан томирлар таноби тортилиб, юрак фаоллашади. Бундай пайтда қон таркибидаги моддалар ҳаракати кучайиши, кўкрак қафаси ҳавога тўлиши, жигар-меъда ва бошқа аъзоларни қон билан таъминланиши яхшиланади.

Кўклам меҳнат билан кўркам. Ариқ қазиш, тозалаш, сув чиқариш, кўчат экиш, дов-дарахтларни тараш каби юмушлар ғайратни жўш урдиради. Бир сўз билан айтганда, гўзал табиат бағрига чорлайдиган дамлар келмоқда.

З. ЭГАМБЕРДИЕВ,
З. ЭГАМБЕРДИЕВА,
Медицина фанлари номзодлари.

АХБОРОТ

СУРХОНДАРЕ

Уюшма тузилди

Яқинда вилоят партия комитети сиёсий маорифи уйида «афғончилар» вакиллари тўпландилар. Улар байналмилалчи жангчилар ва истеъфодаги ҳарбийларнинг вилоят уюшмасини тузишга қарор қилдилар. Бу уюшманинг кенгаш аъзолари ҳам сайландилар.

— Бундан мақсад, — дейди уюшма кенгаши раиси М. Аҳмедов, — байналмилалчи-жангчиларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишдир. Уларнинг айримлари «тўра»лар тўсиғига дуч келмоқдалар. Арзимаган юмуш учун йиллаб, ойлаб гоҳ у-гоҳ бу маҳкама эшигини қоқишга мажбур бўлаётирлар. Биз уларнинг талаб ва эҳтиёжларини ўрганамиз. Мушкулларини осон қиламиз.

«Машъала» иш бошлади

Уйга табиий газ ўтказиш учун бир неча идорага бориш, бир тахлам ҳужжат тўплаш талаб қилинарди. Термиз шаҳрида ташкил этилган «Машъала» кооперативи кўпчиликни ана шу ташвишлардан халос қилди.

Кооперативга тажрибали газчилар уюшган. Ишнинг бир қисмини аҳоли яшаш жойларини газлаштириш идораси ўз зиммасига олган. Кооператорлар буюртма эгасига атиги икки ҳафта ичида барча лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаб, газ ўтказиб беради. Ўтган йили уларга мурожаат қилган 205 хонадон «зангори олов»дан баҳраманд бўлди.

Н. ҲАЙИТҚУЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

• Маънавият масалалари

АДОЛАТ ЕНГАДИ

Ўзгалар номидан хатлар уюштираётган баъзи номаълум шахслар хусусида

Имзосиз хатларнинг давлат ва жамоат органлари томонидан кўриб чиқилмаётганига ҳам икки йил бўляпти. Нима сабабдан бундай мактубларнинг «қонундан ташқари» қилиб қўйилганлиги кўпчиликка аён. Чунки фақат экономикада, сиёсатдагина эмас айни чоғда ҳуқуқий соҳада ҳам ислоҳот қилиш сувҳаводек зарур бўлиб қолганди. Турмуш тарзимизни демократиялаш туфайли оддий кишилар ҳаётдаги ҳар бир нарсага ўзини дахлдор деб, ҳис қила бошладилар. Ўртадан танқид учун таъқиб қилиш пардаси олиб ташланди. Ошкоралик ҳар қандай шубҳа-гумонларни ва қонунсизликларни бир чеккага суриб қўйди. Энди «яширин» арз қилиш учун ҳужжат ҳам, эҳтиёж ҳам қолмаганди.

Биргина «Совет Ўзбекистони» газетаси редакциясининг ўзига ҳар йили қарийб ярим мингдан ортиқ имзосиз ариза ва шикоятлар келиб туради. Ҳамма гап шундаки, бундай мактубларнинг аксарияти адоват ва туҳматдан иборат. Ана шу хатлар юзасидан ўтказилган текширишлар қанчадан-қанча ҳалол, софдил кишиларнинг асабини ишдан чиқарди, саломатлигини ёмонлаштирди. Не-не истеъдодли, иқтидорли кишилар таҳқирланди. Иноқ оилалар дарз кетди.

Бугунги кунда ана шу имзосиз хат уюштирувчилар буқаламун сингари ўз қиёфаларини, афти-ангорларини ўзгартиришмоқда. Қандай қилиб дейсизми? Ғаразли мақсадларни давом эттириш йўли топилди. Энди улар ўзга кишилар исм-шарифи, адресини қўйиб ёзиш найрангига ўтдилар. Мунофиққа бировлар қўлидан фойдаланиш афзал кўринди. Ана шундай мактублар редакциямиз папкасида талайгина. Бугунги кунда бурчак-бурчакдан туриб, туҳмат тошини отиш, қанчадан-қанча ишчан ходимларни бадном этишдан ҳузурланадиган дастхат эгалари эл нафратига учраши муқаррар.

«Софдил кишиларга иғво қилиб, уларнинг тинчлигини бузаётган, соғлиғига қанчалар зарар етказаётган юмалоқ хат муаллифларидан нафратланаман, — деб ёзганди Ленинск шаҳрида яшовчи С. Марасулов. — Пенсияга чиқиш олдидан қарийб уч йил давомида ғаразли, туҳмат ва асоссиз имзосиз хатлар таъсиридан анча жабр тортдим. Ўзим урушда оғир ярадор бўяганман. Имзосиз мактубларнинг салбий таъсири эса, уруш жароҳатидан ҳам баттарроқ бўларкан. Бундай мактуб эгаларидан жирканаман».

Айни чоғда ана шундай хатларнинг зарарли томони хусусида фикр-мулоҳаза юритган Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи Ю. Муҳамедов таклиф қилади: «Қанчадан-қанча одамларни бадном қилувчи ариза эгаларининг жиноий жавобгарликка тортилишини сўрайман». СССР Конституциясида ҳам барча совет гражданлари ўз шани ва қадр-қиммати ҳар қандай тажовузлардан ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга, дейилган.

Демократия бошбошдоқлик эмас. Нимани хоҳласам, шуни ёзаман, дейдиган замонлар ўтиб кетди. Андишанинг отини қўрқоқ, дейдилар. Шаллақилиқ қилиб, енгиб кетаман дейдиганлар энди хато қилишади. Орқа-воротдан-мас, тўғри, бетма-бет, ошкора мулоқот қилишга нима етсин. Одамлар сўрашяпти: наҳотки, туҳмат мактуб ёзганларнинг жиловини қонун йўли билан тортиб қўйишнинг иложи бўлмаса? Газетхонлар таклифи шундай: маъмурий органлар ўзгалар номидан ғийбатли хатлар уюштириб, сувни лойқалатаётганларни аниқлаб, қаттиқ жазосини берсинлар! Иғвогар халқ кўз ўнгида суд қилиниши керак!..

Минг афсуски, билган топиб гапирар, билмаган қопиб, деганларидек, қайта қуриш жараёнидаги ўзгаришлар ва ютуқларни танасига сингдириолмаган ичи қора, бахил одамлар бировлар номидан бўҳтондан иборат хатларни ёзишда ҳамон давом этмоқдалар. Қарангки, мунофиқлик йўлига ўтиб кўздай қўшниси, маҳалладоши, ҳатто қариндош-уруғи исми-шарифини битиб аризабозликни авж олдиришмоқда. Душмандан қўрқма, мунофиқдан қўрқ, деб шуни айтсалар керак.

«Менинг номимдан ёзилган аризаларни текширмаслигингизни сўрайман», — деган мазмундаги телеграмма Каттақўрғон районидаги Тельман номли колхозда яшовчи Б. Мамановдан олинди. — Мен ҳеч қачон редакцияга шикоят хат ёзмаганман».

Арслон қариса, сичқоннинг инини пойлар экан. Товуқ гўнг титмаса, бошқа оғриркан. Иғвогар-чи? У ўзгалар номидан хатларни учирма қилиш «ҳунари»ни қўллламаса, кўнгли жойига тушмайди. Ўқиганмисиз-ўқимаганмисиз Сергей Михалковнинг «Ҳасадгўй қабристонда» номли шеъри бор. Ундаги ушбу сатрлар ана шу иғвогар ариза уюштирувчиларга ҳам таллуқлидир: **Ким ҳасад дардига бўлса мубтало, ҳасад қилади у ўликка ҳатто.**

Номларидан редакциямизга шикоятлар келган қанчадан-қанча кишиларнинг ҳолатини бир тасаввур қилиб кўринг-а?! Гарчанд у хат ёзмаган бўлса-да, қўни-қўшниси, қариндош-уруғи, дўст-биродари, ҳаммаҳалласи олдида юзи шувут. «Мен ёзмагандим» деганига биров ишонади, биров йўқ. Икки ўртада дилхижиллик, ҳар хил гумонлар, шубҳалар...

Мисоллар, мисоллар! Ромитан районидаги Нариманов номли колхозда истиқомат қилувчи М. Кенжаева, Ангор районидаги «Талимарон» совхозида яшовчи Ў. Жумаев, Вобкент районидаги Тельман номли колхоздан И. Шукуров, Ғўрлан районидаги Киров номли колхоз аъзоси Х. Бозорбоева, Китоб шаҳарлик Қ. Ражабов ва бошқалар номидан ёзилган ариза, шикоятлар юзасидан жойларда текширишлар ўтказилди. Улар редакцияга ҳеч қандай хат ёзмаганликларини, имзолар уларники эмаслигини, аризани текширмасликларини талаб этдилар. Баъзи мактубларда кўрсатилган исм, фамилияли кишилар у ерларда умуман яшамаслиги ва ишламаслиги маълум бўлмоқда.

Кемада туриб, кемачига кўз олайтирган кимса каби наҳотки айримлар бир қишлоқда, посёлка ёки маҳалларда яшаб туриб, ўз ҳамюрти номига доғ туширишни афзал кўришса?! Бундайларга йўлдан чиқсанг, чиқ, элдан чиқма деган халқ нақлини яна бир бор эслатиб қўйиш ўринлидир.

Ўзини пинҳон тутиб, бировлар номидан мактублар уюштираётган қора шарпаларнинг умри қисқа: тулкини оёғи қоқонга олиб борганидек, бундайлар куни келиб ўзини-ўзи фош қилиб қўйганини сезмай қолади.

Адоват эмас, адолат енгади, албатта.

М. МУҲСИМОВ.

Жарқўрғон ноҳиясида аёлларимизнинг қадимий орасталик удумлари сақланган.

Суратда: «Коммунизм» колхозида яшовчи Зорфара Ҳайдарова.

Р. ШАГАЕВ сурати (ЎзТАГ).

ПАРКЕНТДАГИ ВОҚЕАЛАР ХУСУСИДА

Тошкент областининг Паркент район марказида 3 март куни гуруҳ-гуруҳ бўлиб олган кишилар тартибсизлик чиқаришди. Месхети туркларини зудлик билан чиқариб юборишни талаб қилган экстремистик кайфиятдаги тўда партия, совет, ҳуқуқни муҳофаза этиш органларининг тушунтиришларини инкор этиб, район партия комитети биносига, район ижроия комитетига, район ички ишлар бўлимига ҳужум қилди. Бир неча автомашинани, бошқа транспорт воситаларини ёқиб юборди.

Милиция органлари ва ички қўшинлар тартибсизликлар ва ўт қўйишларнинг олдини олиш бўйича қонунда кўзда тутилган чора-тадбирларни қўлландилар. Ҳужум қилганлар орасида ҳам, ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари ходимлари ўртасида ҳам қурбонлар ва ярадорлар бор.

Паркентдаги ва унга қўшни районлардаги вазият назорат қилинмоқда. Жамоат тартиби бузилганлиги фактлари юзасидан тергов олиб борилмоқда.

(ЎзТАГ).

Чўрида айб йўқ

Ёш Ҳусайнда (Ибн Синонинг болалик чоғидаги асл исми) дид, фаросат ва қувваҳофиза (хотира) ниҳоятда ўткир бўлган. У бир яшарлигидаёқ гапга диққат билан қулоқ солар, маъқул ва манзур гап бўлса тинглар, бўлар-бўлмас гапдан афтини бужмайтириб, безовталанар экан. Шарқшунос олим А. Ирисовнинг ёзишича, чақалоқ Ҳусайн яна бир ҳодисанинг гувоҳи бўлган. Онаси уни чўмилтираётиб, иттифоқо узуғини йўқотиб қўйибди. Узукни чўри олгандир, деб уни тергашибди. Чақалоқ йиғлаб, бетоқатланибди шунда. Ҳусайн ниҳоят тилга кирганда:

— Онам мени чўмилтираётганида узук тоғорага тушувди, тоғорани ағдарганида узук ўрага тушиб кетган эди. Сизлар эса чўрини ноҳақ уришган эдинглар, — дейди. Дарров ўрани ковлашибди. Узук ҳам топила қолибди. Бу воқеани кўрган ва эшитганлар, «товба», деб ёқа ушлашибди.

Муҳаббат — даво

Машҳур бир кишининг ўғли касал бўлиб қолади. Ота ҳамма чораларни кўриб, уни тузата олмайди. Йигитнинг аҳволи оғирлашаверади. Қариндош-уруғлари ундан умид ҳам уза бошлайдилар.

Чиқмаган жондан умид. Ота касал ўғлини Бухорога олиб келади. Ибн Сино беморнинг томирини ушлаб, рангига диққат билан қараб ошиқлигини тушунади. Аммо буни йигитга айтмайди. Йигитнинг отасини чақириб, сиз қўшниларингиздан бир кишини олиб келинг. У дилкаш ва ширинсухан бўлсин, мен у билан гаплашиб ўтираман. Шу билан ўғлингиз тузалади, дейди.

Ота ўшандай кишини топиб келади. Ибн Сино йигитнинг томирини ушлаб, билимдон кишидан турли шаҳарлар таърифини сўрайди. Табриз шаҳри ҳақида гап кетаётганда йигитнинг томири қаттиқ ура бошлайди. Ибн Сино йигитнинг севган қизи табризлик эканини англайди. Сўнг билимдон кишидан Табриз кўчаларининг номларини сўрайди. Билимдон киши йигитнинг севгилиси туғилган кўчанинг номини айтганда, беморнинг томири янада қаттиқроқ ура бошлайди. Кейин олим билимдон кишидан ўша кўчада яшовчи кишиларнинг номларини сўрайди. Қизнинг отасининг номи тилга олинганда йигитнинг томир уриши янада ошади. Ибн Сино йигит севган қиз шу оилада эканлигини билиб олади. У билимдон кишидан ўша оила аъзоларининг номларини бирма-бир сўрайди. Билимдон киши йигит севган қизнинг номини айтганда, беморнинг томири шундай тез урадики, ўлишига сал қолади.

Буюк психолог йигит ўша қизни севганини аниқлайди. Отасига: табризлик фалон кишининг қизини ўғлингизга олиб бермасангиз, батамом соғайиб кетади, дейди. Ота уни бажаради. Ўғил бутунлай соғайиб кетади.

Муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

ТЕРГОВЧИ ИШНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛДИ

МОСКВА, 1 март. (ТАСС мухбири Н. Демидов). СССР прокуратураси 33 ёшли С. Мадуев ишини кўриб чиқиш учун қабул қилиб олди. У бир қанча оғир жиноятлар содир этишда, жумладан йўл тўсиб, талончилик қилишда ва қотилликда айбланмоқда. Мадуев билан бирга бошқа бир қанча шахслар ҳам жиноий жавобгарликка тортиляпти.

Иши тергов қилинаётган одамнинг фамилияси унинг асл фамилиясими, ёки йўқми, бу ҳозирча номаълум. Аммо ҳар қалай, у 1980 йилда босқинчилиги учун 15 йил муддат билан озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган эди. Лекин Мадуев жазо муддатини охиригача ўтамасдан, 1988 йилнинг ноябрь ойида қамоқдан қочиб кетган, ҳозир эса қидирилаётган эди. У кўп ерларда Владивостокдан то Ленинградгача ва Тошкентда жиноятлар қилган.

Мадуевнинг қилмишлари ҳақида икки оғиз гапирадиган бўлсак, шуни таъкидлаш керакки, кунлардан бир кун у йўл тўсиб босқинчилик қилаётганида шериги яраланади, шунда Мадуев ўйлаб нетиб ўтирмасдан ана шу ҳамтовағининг пешонасига икки марта ўқ узади.

Жиноятчи шу йил январь ойида Тошкент—Москва поездида қўлга олинди. Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлигининг оператив ходимлари купенинг ўзида унинг қўлига кишан солдилар. Аммо Мадуев кастюмининг ички чўнтагидан граната ни ҳар қалай олди ва тиши билан гранатанинг чуви (чека)ни чиқарди. Портлатиб юбораман, деб дағдаға қилиб, милиционерни гаровга қўйишни талаб қилди. Оператив ходим бу талабни бажариб, жиноятчининг қўлига солинган кишаннинг иккинчи халқасини ўз қўлига солди. Фақат шундан кейингина Мадуев «музокара» олиб бориш учун вагондан тушишга рози бўлди. У гранатани илгаригидек тайёр ҳолда тутиб борар эди...

Операция режаси қуйидагича қилиб белгиланди: мерган Мадуевнинг қўлига отади, у билан ёнма-ён кетаётган оператив ходим эса ҳушёрлик билан дарҳол ерга тушган гранатани олиб узоқроққа отиб юборади... Аслида ҳам шундай бўлди, Мерган Мадуевнинг қўлини нишонга олиб ўқ узди, ўқ бориб тегди, граната четга тушди, лекин... портлагани йўқ. Граната қалбаки бўлиб чиқди. Шунда Мадуевнинг қанчалик ҳайрон бўлганини, жаҳли чиққанини кўрсангиз эди. Чунки у гранатани катта пулга сотиб олган эди-да.

— Тергов чоғида, деди тергов оператив гуруҳининг раҳбари, СССР прокуратурасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчиси Л. Прошкин, — анчагина ашёвий далиллар, яъни видеоаппаратлар ва телеаппаратлар, магнитофонлар, заргарлик буюмлари қўлга олинди, буларнинг ҳаммаси жабрдийдалар мулки, албатта. Биз отилган ўқ гильзаларини ҳам топдик. Жасадлардан, бинолларнинг деворларидан эса ўқлар чиқариб олинди. Ҳозир буларнинг ҳаммаси экспертлар қўлида. Алоҳида хавфли жиноятлар бир нечта иттифоқдош республикалар территориясида содир этилган, худди шунинг учун ҳам С. Мадуев иши билан СССР прокуратураси шуғулланмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ жуда жиддий далиллар бор.

— Куни-кеча «Мадуев» фамилияси телеэкранда ҳам тилга олинди.

— Афсуски, шундай бўлди, — деди Л. Прошкин. Қўлга олинган шу одамни дастлаб Ўзбекистон телевидениеси, кейинроқ эса Марказий телевидение орқали кўрсатишди, орадан бир мунча вақт ўтгач, яна маҳаллий телевидение кўрсатди. Журналистларку янгиликка ўч одамлар, уларни тушунса бўлади. Лекин, Ўзбекистон Ички ишлар министрлигидаги ҳамкасбларим терговдаги одамни кўрсатишга ижозат беришган экан, нега шундай қилишганига сира тушуна олмайман. Мадуевнинг телеэкранда кўринишги гуруппа ишини анча чигаллаштирди. Ана шу оқибатларни ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билмасликлари мумкин эмас эди. Бу сира ошкораликни менсимаслик эмас. Иш манфаатларини инобатга олиб буларнинг ҳаммасини бир мунча кейинроқ кўрсатиш мумкин бўлур эди. Эндиликда биз Мадуевни терговга чақирилган бошқа одамларга танийсизми, деб кўрсатиш имкониятига эга эмасмиз. Шундай қилиб жуда жиддий далилларни бой бериб қўйдик. Уша телевизион лавҳада бошқа бир қанча ҳали текширилмаган фактлар ҳам тилга олиндики, булар тергов ва судда тасдиқланмаслиги ҳам мумкин, ниҳоят, яна бир гап: Мадуев билан алоқадор бўлган кишилар энди у ушланганини билишади. Яна бошқа бир қанча сабаблар борки, шуларга кўра ҳам Мадуевни телеэкранда кўрсатиш мумкин эмас эди.

Нима ҳам дердик, милиция ходимлари ҳам, журналистлар ҳам шошқалоқлик қилишди. Бундан сабоқ чиқарилади, йўқми келажак кўрсатади. Оператив тергов группасининг раҳбари эса ҳозирча қуйидагиларни илтимос қилди:

— Энди бўлар иш бўлди, лекин бундан имкони борича наф кўриш керак. Кимки Мадуевни телевидение орқали кўрган бўлса ва унинг ҳақида бирон-бир гапни билса, яқин орадаги милиция бўлимига хабар берсин.

Р. 02131. № 54. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12